

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

1-МЖ-11 гуруҳ талабаси
Пиримқулова Мухайё Абдухозир қизи

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Корхонанинг бошқарилишида ишлаб чиқариш омилларининг аҳамияти («Норин тола» ОАЖ мисолида)

Илмий раҳбар:

Ф. Инамов

Наманган-2015

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
1-боб: Корхонанинг бошқарилишида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг назарий асослари	6
1.1. Корхона тушунчаси ва унинг фаолиятини бошқариш асослари.....	6
1.2. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг турлари.....	9
1.3. Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва товар-пул муносабатлари	12
2-боб: «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий бошқарувида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг амалий ҳолати ва муаммолари	16
2.1. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ривожланиши ва иқтисодий жиҳатдан бошқарилиши.....	16
2.2. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили ...	20
2.3. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омиллари ва уларни бошқаришга оид муаммолар	27
3-боб: Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан янада самарали фойдаланиш имкониятлари	34
3.1. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг муқобил ҳолатлари	34
3.2. Корхона бошқарувида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш	37
3.3. Корхонани бошқариш ва уни такомиллаштиришнинг асосий мезонлари	40
Хулоса	43
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	45

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш соҳасининг ўрни алоҳида бўлиб, бу соҳага жиддий эътибор берилади. Шунинг учун Республика иқтисодиётини ривожлантиришда ишлаб чиқаришга жиддий эътибор берилиб, бундай ҳолат давлатимиз сиёсатида ҳам намоён бўлмоқда. Айниқса модернизацион даврда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жиддий бўлинмоқдаки, буни ҳозирги даврдаги ўзгаришлардан кўриш мумкин.

Хусусан, “истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди”¹.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ишлаб чиқариш омиллари бўлиши керак. Ишлаб чиқариш омиллари орқалигина ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишимиз мумкин. Корхона фаолиятини режалаштиришда ишлаб чиқариш омилларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Бугунги кунга қадар бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиндики, бунинг натижасида ишлаб чиқариш соҳасини бошқариш янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Шунга қарамай «асосий устувор вазифамиз аввалгидек – бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат»². Бу эса ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бу соҳада ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни кенгайтириш қолаверса, модернизация асосида янада авж олдиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Бундай ёндашув эса ушбу соҳа корхоналарида бошқаришнинг ўзига хос такомиллашувини тақозо этадики, бунда раҳбарнинг жиддий ёндашуви зарур. Танланган мавзунимиз шу нуқтаи назардан ўта долзарб ҳисобланади.

Наманган вилояти Норин туманида фаолият кўрсатаётган «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, турли хил таъсир этувчи омилларни ўрганиш ва уларни амалда салбий таъсирини камайтириш, ижобий таъсирини эса ошириш бўйича орттирилган ижобий тажриба мавжуд. Лекин бу омилларнинг иш юритишда янада самарасини ошириш мақсадида амалга ошириладиган вазифалар кўламини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими корхона фаолиятини бошқариш масалалари айти раҳбарга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини атрофлича кўриб чиқиш муҳимдир.

Шунинг учун «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида бошқарувни ташкил этишда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш борасидаги масалаларда айрим муаммолар юзага келганки, уларни ҳал этиш учун йўналтирилган чора-тадбирларни кўриб бориш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, ушбу корхонада ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва унинг аҳамиятини оширишда талайгина ишларни амалга ошириш, айрим маъмурий шахсларнинг ташаббускорлигини ошириш ва корхоналар фаолиятини яхшилашга бўлган жиддий ёндашув, замонавий тарздаги ишни ташкил этиш ва бошқарувни амалга оширишни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан «Норин тола» ОАЖ ни бошқариш ва бу корхонадаги мавжуд жараёнларни режалаштириб бориш доирасида яратилаётган ҳуқуқий асослар орқали бошқаришни ташкил этиш ва бунда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш омилларини ўрганиш бўйича қатор иқтисодчи олимларни асарларини келтиришимиз мумкин. Масалан М.Мескон, М.Альберт, Ф.Хедоурининг «Основы менеджмента» номли китобида ишлаб

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь, 2015.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 76 бет.

чиқариш омиллари тўғрисида кенг мулоҳазалар берилган. Уларнинг бу соҳадаги илмий асарлари жаҳоннинг барча давлатларидаги олий ўқув юртларида ўганилаётганлигининг гувоҳимиз.

Россиялик иқтисодчи олимлардан И.Герчикова, В.Глухов, А.Наумов, Т.Николаева, А.Попов, ва бошқаларнинг ҳам бу соҳадаги тадқиқотларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш омилларини ўрганиш ва бу омиллардан фойдаланиш жараёнлари И.А.Каримовнинг бир қатор фундаментал-назарий ва амалий жиҳатдан муҳим бўлган асарларида ўрганилган. Шунингдек, А.Ўлмасов, Т.Эргашев, Н.Йўлдошев, Р.Валижонов, О.Қобулов, А.Қодиров каби олимлар асарларида ёритилган.

Бирок, «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида мисолида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш масалалари яхши ўрганилмаган ва унинг баъзи масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ўрганилаётган муаммонинг кенг кўламлилиги битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсади «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш ва уларнинг аҳамиятини ёритишга доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

- корхона тушунчаси ва унинг фаолиятини бошқариш асосларини назарий жиҳатдан ёритиш;
- ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг турларини ифода этиш;
- корхоналарда ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш ва товар-пул муносабатлари тўғрисида мулоҳазалар юритиш;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ривожланиши ва иқтисодий жиҳатдан бошқарилишини таҳлил этиш;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлилин келтириш;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омиллари ва уларни бошқаришга оид муаммоларни аниқлаш ва ўрганиш;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланишнинг муқобил ҳолатларини ифода этиш.
- корхона бошқарувида ишлаб чиқариш омилларида самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича мулоҳазалар юритиш;
- корхонани бошқариш ва уни такомиллаштиришнинг асосий мезонлари бўйича ишланмалар яратиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг амалдаги бошқарилиш ҳолати хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида ушбу корхонада ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш жараёнлари танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий сиёсатига оид асарлари; корхоналарни бошқариш ва фаолиятини ташкил этишга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; чет эллик ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий маълумотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишни бажариш орқали қуйидаги янгиликларга эришилди:

- корхона тушунчаси ва унинг фаолиятини бошқариш асослари назарий жиҳатдан ёритилди;
- ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг турлари ифода этилди;

- корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва товар-пул муносабатлари тўғрисида мулоҳазалар юритилди;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ривожланиши ва иқтисодий жиҳатдан бошқарилиши таҳлил этилди;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили келтирилди;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омиллари ва уларни бошқаришга оид муаммолар аниқланди ва ўрганилди;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг муқобил ҳолатлари ифода этилди.
- корхона бошқарувида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича мулоҳазалар юритилди;
- корхонани бошқариш ва уни такомиллаштиришнинг асосий мезонлари бўйича ишланмалар яратилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Ушбу мавзу бўйича келтирилган фикр мулоҳазалардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- вилоят миқёсидаги барча коллеж ва бизнес мактабларида саноат соҳасини ривожланиши тўғрисида иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда;
- бошқаришнинг аҳамиятини ошириш мақсадида раҳбарлар онгида замонавий менежментнинг чуқур назарий жиҳатларини сингдиришда;
- «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган раҳбар ходимларнинг иқтисодий тафаккурини оширишда кенг фойдаланиш мумкин;

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг илмий янгилиги кўрсатилган ҳамда ишнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб **“Корхонанинг бошқарилишида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг назарий асослари”** деб аталди. Бунда корхона тушунчаси ва унинг фаолиятини бошқариш асослари назарий жиҳатдан ёритилди. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг турлари, шунингдек, корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва товар-пул муносабатлари ўз ифодасини топган.

Иккинчи боб **«Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий бошқарувида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг амалий ҳолати ва муаммолари»** деб номланди. Бу бобда «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ривожланиши ва иқтисодий жиҳатдан бошқарилиши таҳлил этилди. Жамиятда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили келтирилди. Шу билан бирга «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омиллари ва уларни бошқаришга оид муаммолар аниқланди ва ўрганилди.

Учинчи боб **“Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан янада самарали фойдаланиш имкониятлари”** деб юритилди. Унда «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг муқобил ҳолатлари ёритилди. Корхона бошқарувида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда корхонани бошқариш ва уни такомиллаштиришнинг асосий мезонлари бўйича ишланмалар яратилди.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида бажарилган илмий тадқиқот ишининг умумий натижалари ва битирувчининг бу мавзуга оид аниқ фикрлари асосидаги хулосаларига кўра таклифлар берилган.

1-боб: Корхонанинг бошқарилишида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг назарий асослари

1.1. Корхона тушунчаси ва унинг фаолиятини бошқариш асослари

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакат ҳаётида ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, фан-техника тараққиётини (ФТТ) жадаллаштириш, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган улкан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берди ва рўй бермоқда. Бунга иқтисодиётга киритилган янги инвестициялар ва мавжуд моддий-техника асосини модернизация қилишдан ташқари бошқарувнинг демократик тамойилларини кучайтириш, корхона, фирма ва уларга тенглаштирилган ишлаб чиқариш тузилмаларининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ мустақиллик доирасини кенгайтириш, сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлигига барҳам бериш, инсон фаолиятининг барча соҳа ва тармоқларида ташаббускорлик, изланиш ва хоказоларнинг ривожланиши ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Фикримизча, юқоридаги жараёнлар муайян корхона фаолияти орқали намоён бўлади. Демак бугунги кунда корхоналар иқтисодиётимизнинг ривожланиб боришида муҳим рол ўйнайдиган бозор субъекти ҳисобланади.

Корхона – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бош бўғини бўлиб, унда илмий иқтисодиётнинг асосий иқтисодий масалалари ҳал этилади. Маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш муайян технологик жараёнлар, меҳнат қуроллари материаллари, одамларнинг билими ва кўникмалари ижтимоий меҳнат тақсимооти ва кооперациялашга асосланган ҳода мустақил амалга ошириладиган тизимга айтилади.

Амалда XX асрнинг ҳар бир муҳим ютуқлари ортида якка-ёлғиз даҳо эмас, балки корхона ва ташкилотнинг куч-қудрати туради. Биз рангли телевизор ёки микротўлқинли печнинг ихтирочиси номини эсламасак ҳам, уларни ишлаб чиқарувчи компаниялар – «Сони», «Панасоник», «Филипс» номларини яхши биламиз. Худди шу гапни автомобиллар, компьютерлар, мобил телефонлар ва бошқа фойдали кўпгина буюмлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Улар нафақат Ўзбекистонда, балки умуман ҳозирги замон кишининг ҳаётини анча-мунча осонлаштиради. Лекин бу деган сўз айрим шахснинг истеъдоди ва тажрибаси ўзининг жамиятдаги аҳамиятини йўқотди, деган маънони англатмайди. Айрим шахснинг истеъдоди ва тажрибаси аввалгидек, унинг тараққиётининг асосида ётади.

Корхона ва ташкилотлар инсонни унинг бутун ҳаёти мобайнида қамраб олади. Бизнинг ҳар биримиз кўп вақтимизни корхона ва ташкилотларда - болалар боғчаларида, мактабларда, институт ва Университетларда, муассасаларда, клублар ва партияларда ўтказамиз. Корхона ва ташкилотлар маҳсулотлар ишлаб чиқаради, хизматлар кўрсатади, кишилиқ жамияти уларни истеъмол қилиб ёки улардан фойдаланиб, ҳаёт кечиради ва ривожланади. Корхона ва ташкилотлар жамиятидаги ҳаёт тартибини белгилаб беради, бу тартибга қандай риоя этилаётганини назорат қилади.

Корхона иш ўринларини беради иш ҳақи тўлайди солиқлар тўлаш йўли билан давлат ва ижтимоий дастурларни амалга оширишда қатнашади. Айнан корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари ва ишчини ишлаб чиқариш воситалари билан ўзаро алоқаси амалга оширилади.

Корхона ўз фаолиятини ўзи бошқаради, ишлаб чиқарилган маҳсулотни олинган соф фойдани солиқ ва бошқа тўловларни тўлагандан сўнг қолган қисмини тасарруф этади. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва ассортименти, хилма-хиллиги, хом ашё етказиб берувчилар ва харидорлар баҳоаларни шакллантириш, ресурслардан тежамли фойдаланиш, кадрларни қўллаш, юқори унумли техника ва технологиядан фойдаланиш масалалари ҳал этилади.

Корхона бошқарувида самарадорлик асосидаги ишлаб чиқаришни қуйидагича ташкил этиш шакллари мавжуд:

- концентрациялаш, бир жойга жамлаш;
- ихтисослаштириш;
- кооперациялаш;
- ишлаб чиқаришни мураккаблаштириш каби усуллардан фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, **корхона** бу – ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақл равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди¹.

Корхона – ижтимоий талабларни қондирувчи ва соф фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизмат кўрсатувчи мустақил хўжалик юритувчи иктисодиёт субъектидир.

Муайян мақсадларга эришиш учун биргаликда ишлайдиган кишилар бирлашмаси анъанавий равишда корхона ёки ташкилот деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг корхоналар тўғрисидаги қонунида эса бу борада қуйидаги таъриф берилган: “Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотини айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади”²

Ҳозирги кунда замонавий корхоналар замонавий фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш ва иктисодиётнинг узлуксиз ривожланишида *компьютерлаштириш ва информатизация*, интернет тармоғига киришни илгари сурмоқда. Бу эса бошқарув тизимининг энг муҳим бўғинларидан ташқари, ишчи кучининг сифатини ошириш воситаси ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини муваффақиятли ташкиллаштириш учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Корхоналарни бошқариш қанчалик қийин бўлмасин, уларда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш чора-тадбирлари доимо қўлланилиб борилади. Корхоналарнинг кўлами, миқёси, фаолият турлари бир-биридан фарқ қилишига қарамай уларнинг бир нечта умумий белгилари ҳам бор. Масалан:

- фаолият мақсадининг мавжудлиги.
- корхона аъзолари ўртасида барқарор алоқалар ва бу ўзаро муносабатлар тартибини белгилаб берадиган қоидаларнинг (ташкилий тузилиш ва маданият) мавжудлиги.
- атроф (ташки) муҳит билан доимий ўзаро алоқадорлик.
- ташкилий мақсадларга эришиш учун ресурслардан фойдаланиш ва бошқалар.

Корхоналарни бошқариш ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уларни раҳбар-кадрлар ёки ишбилармон шахслар бошқариб боради. Улар ўз навбатида ўзларининг муайян мақсадларига эришиш учун восита сифатидаги фаолиятни вужудга келтирадилар (ташкил этадилар). Одатда корхонани тузиш вақтида унинг асосчилари томонидан белгиланган мақсадлар анча оддий ва бир неча банддан иборат таклифлар шаклида ифодаланган бўлади. Корхона ривожланиб борган сари мақсадлари мураккаблашиб ва кўп ҳолларда эса ўзгариб ҳам боради.

Ўзбекистон Республикасини корхоналар тўғрисидаги қонунида белгиланганидек: “Корхона ўз фаолиятини мутскил режалаштиради ва хом ашё ресурслари ва материалларининг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган

¹ Қаранг “Корхоналар тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992-77-б.

ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларини ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилашди”¹.

Корхона бошқарувидаги ташкилий мақсадларнинг ўзгариши кўпгина омиллар: хусусан, корхона миқёсларининг кенгайиб бориши, ташқи муҳитнинг ўзгариши, техника ва технологиянинг ривожланиши, ижтимоий онгнинг ўзгариши, корхона ва ташкилот асосчиларининг янги раҳбарлар билан алмашиниши каби омиллар таъсирида рўй беради. Иқтисодий жиҳатдан корхона ва ташкилотларни текширган тадқиқотчилардан кўпларининг бу ташкилотлар мақсадларини шакллантиришга бевосита нималар таъсир қилиши ҳақидаги фикрлари ўхшашдир.


Корхонани бошқарилишида аввало учта омилга эътибор бериш керак¹. Улардан биринчиси – мижозлар (истеъмолчилар ёки бозор), иккинчиси – мулк эгалари (корхона ва ташкилотга маблағ қўшган кишилар), учинчиси – ходимлардир. Баъзан бу омилларга тўртинчисини – раҳбарларни ҳам киритадилар, улар, бир томондан мулк эгаларининг вакиллари бўлсалар, иккинчи томондан, бошқа ходимлар сингари ёлланган ходимлар ҳисобланадилар.

Санаб ўтилган гуруҳлардан ҳар бирининг мақсадни аниқлашга таъсир кўрсатиш даражаси корхонадан корхонага ўтиб боради ва ҳар бир корхонада вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Ўз фаолиятида аввало истеъмолчиларга қараб мўлжал оладиган ташкилотлар ва аксинча ходимлар ва раҳбарларнинг манфаатларини устун қўядиган корхоналар ҳам мавжуддир. Корхонанинг мақсадларида барча асосий гуруҳларнинг манфаатларини акс эттиришда энг мақбул мутаносибликка эришиш корхонанинг ривожланишидаги энг муҳим шартлардан биридир. Бошқаларнинг манфаатларини инкор этиш ҳисобига бошқа гуруҳнинг манфаатларини қондириш одатда ниҳоятда ёмон оқибатларга олиб келади.

Корхоналарни бошқариш амалиётида шу нарса исбот қилинганки, бошқарувнинг жуда ҳам йирик ташкилий структураси бозор иқтисодиётида мақсадга мувофиқ бўлмайди. У кутилган натижаларни бермасликдан ташқари, бошқарув қарорларини бажаришда муаммоларнинг юзага келишига, бошқарувнинг якуний мақсадини оралиқ вазифалар билан алмашиб кетиш хавфи кучайишига олиб келади.

Шу нуқтаи назаридан бозор муносабатлари шароитида ихчам корхоналарнинг, яъни кичик бизнес субъектларининг фаоллиги ошиб боради. Бозор иқтисодиётида турли корхоналарнинг ўзаро иқтисодий алоқалари ҳар бир корхонанинг бошқарилишига қисман бўлса-да у ёки бу жиҳатдан таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ўзаро алоқада ва маълум жиҳатдан бир-бирига бўйсинувчи бўлган бошқарув **объектлари** ва **субъектлари** фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида бошқарувнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Бу алоқани қуйидаги тарзда чизма ёрдамида кўрсатиш мумкин:



¹ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. - Т.: Ўзбекистон, 1992- 87 б.

¹ www.management.ru // Управления предприятием.

1.1.1-чизма. Бошқарув объекти ва субъектининг ўзаро алоқаси¹

Корхонада бошқарувнинг таъсири **бошқарув объектига** йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари, ишлаб чиқариш ускуналарини эксплуатация қилиш, турли миқёсдаги меҳнат кооперацияси ва ҳоказолар **бошқарув объекти** бўлиши мумкин. **Бошқарув субъекти** эса қоидага кўра, **корхона раҳбари** ёки бошқарув объектларини мақсадли равишда бошқаришни амалга оширувчи **хизмат раҳбарларидир**. Агар юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, оркестр, бу – бошқарув объекти, дирижер эса, бошқарув субъектидир.

Хулоса қилиб айтганда, корхона бу жамиятнинг ривожланишида қатнашадиган бозор субъекти бўлиб, унинг таркибида бир неча мутахассилка эга бўлган ишчи-ҳодимлар фаолият кўрсатади. Уларни бошқарилиши муайян мақсадга йўналтирилган бўлиб, корхона раҳбарияти томонидан амалга оширилади. Корхоналарнинг бошқарилиши бозор муносабатлари шароитида эркин тарзда лекин белгиланган қонун-қоидаларга асосланади.

1.2. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг турлари

Инсон истеъмоли ишлаб чиқаришни тақазо этади. Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун эса иқтисодий ресурслар ишлатилади. Иқтисодий ресурслар ишга солинганда у ишлаб чиқариш омилларига айланади. Ишлаб чиқариш юз бериши учун унинг омиллари ҳаракатга келиши шарт.

Иқтисодиёт назариясида ишлаб чиқариш омиллари турлича талқин этилади. Турли назария намояндалари ишлаб чиқариш омилларисиз ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мумкин эмаслигини таъкидлашади. Лекин уларни талқин қилишда ҳар хил жиҳатдан ёндашилади. Бунда маҳсулот яратишда у ёки бу омилнинг тутган ўрни ва яратилган маҳсулот тақсимоотидаги қиссаси ҳақидаги фикрлар бир-биридан фарқ қилади. Француз иқтисодчиси Ж. Б. Сей (1767-1832) ишлаб чиқаришнинг уч омили назариясини асослаб, уларга ер, капитал, меҳнат киради дейди.

Уларнинг ўзаро таъсири натижасида ишлаб чиқариш юз беради. Маҳсулот яратишда учала омил ҳам қатнашар экан, ҳар бир омил эгаси ана шу омилнинг ҳиссасига кўра даромад олиши кераклигини кўрсатади, ер эгаси - рента, меҳнат қилган иш ҳақи, капитал эгаси фойда олади. Классик сиёсий иқтисод вакиллари ҳам шундай фикрни илгари суришади.

Австрия мактаби асосчиларидан Е. Баверк (1851-1914) ишлаб чиқаришининг икки омили мавжуд, капитал ва меҳнат, ер эса капитал турли-туманлигининг бир кўриниши деб билади. У ишлаб чиқариш омиллари унумдорлигининг маълум бир чегарадан сўнг пасайиб боришини кўрсатади, меъёрий унумдорлик қонуни амал қилишини асослаб беради.

Ишлаб чиқариш омиллари технология ёрдамида бир бутун қилиб боғланади. (Технология - ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишнинг восита ва услублари тўғрисидаги билимлар, тажрибалар мажмуидир.)

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқаришнинг 4 омилини кўрсатишади. Улар ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик бўлиб, уларнинг ҳар бири даромад келтириш асосига эга.

Иқтисодий ресурслар ишлаб чиқариш омилларига айланиши, улардан оқилона фойдаланиш натижасида маҳсулот яратилади, хизмат кўрсатилади. Омиллар ишлаб чиқаришда алоҳида-алоҳида қатнаша олмайди. Улар биргаликда ҳамда маълум бир нисбатда ишлатилади. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Масалан, машина ўришни жонли меҳнат билан ёки аксинча, табиий ашё ўрнини синтетик ашё билан тўлдириш мумкин. Шунинг учун ресурслардан бири қимматлашса, унинг ўрнини тўлдирадиган бошқа арзон ресурс билан алмаштиришга ҳаракат қилинади.

¹ Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. 48 бет.

Ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари шу ресурс эгаларининг даромади бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари эгалари оладиган даромад, шу омилнинг ҳиссасига боғлиқ бўлади. Ер омили тушунчасига иқтисодий нуқтаи назардан фақат ер эмас, балки барча табиий ресурслар киритилади. Унга ҳайдаладиган ерлар, ўрмонлар, сув ресурслари, турли табиий бойликлар, кўмир, нефт, металл, минераллар киради. Улар ишлаб чиқаришнинг табиий шароитини ҳосил қилади. Ер омили (табиий ресурслар) келтирадиган даромад *рента* деб аталади.

Капитал. Капитал ёки инвестицион ресурслар - бу ҳамма ишлаб чиқариш воситаларини ўз ичига олади. Буларга товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган барча воситалар, яъни машина-ускуна, бино, иншоот, трактор, алоқа воситалари ва бошқа шунга ўхшашлар киради. Ана шу воситаларни ишлаб чиқариш ва жамғариш жараёнини инвестициялаш деб аталади.

Бу ерда икки ҳолатни эслатиш керак:

1) инвестицион товарлар истеъмол товарларидан шуниси билан фарқ қиладики, истеъмол товарлари одамлар эҳтиёжини бевосита қондиради. Инвестицион товарлар эса бевосита, яъни истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ишлатилиши билан одамлар эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади;

2) капитал деганда бу маънода пул кўзда тутилмайди. Иқтисодчилар кўпинча «пул капитали» иборасини пулни кўзда тутган ҳолда ишлатадилар, лекин бу ерда ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш учун ишлатиладиган пул бўлиши мумкин, холос. Пулнинг ўзи ҳеч нима яратмайди, ишлаб чиқармайди, демак, уни иқтисодий ресурс деб бўлмайди.

Капитал инсон томонидан яратилган меғнат воситалари, меғнат куроллари (машина, асбоб-ускуна, турли аппаратлар, дастгоҳ ва ҳоказолар) ва меғнатнинг умумий шароитлари бино, иншоотлар, каналлар, йўллар ва ҳоказоларни ҳамда меғнат ашёларини ўз ичига олади. Меғнат ашёлари табиий ва хом ашёларда иборат бўлиб, табиий ашёларга табиий бойликлар - кўмир, руда, нефт ва ҳоказолар, хом ашёларга инсон томонидан ишлов берилган материал, қазиб олинган кўмир, нефт, эритилган металл ва ҳоказолар киради.

Уларнинг ҳаммаси **реал капитални** ташкил этади. Реал капитал иқтисодий ресурс бўлади. Пул ёки молия капитали иқтисодий ресурс эмас. Капиталга инвестицион ресурслар тарзида қарайдиган бўлсак, у келтирадиган даромад, йиллик процент дивиденд тарзида намоён бўлади.

Кейинги ишлаб чиқариш омилига меғнат киради. Меғнат - бу кенг маънодаги термин бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан инсонларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини кўзда тутди (тадбиркорлик қобилияти алоҳида ажратилади). Ҳар қандай касб-хунар эгаси, деҳқон, чорвадор, тикувчи, тўқувчи, ўқитувчи ва ҳоказолар бажарган иш меғнат деб аталади. Меғнат омилнинг яратилган маҳсулотдаги улуши, унинг эгасига иш ҳақи тарзида тегади. Меғнат ақлий ва жисмоний бўлиб, унинг ҳар бири бир-бирини тўлдириб келади. Бироқ шундай килилар борки, фақат ақлий меғнат билан шуғулланишади. Бундай кишилар жамиятнинг ривожланишига алоҳида ҳисса қўшадилар. Лекин ақлий меғнатдан ташқари жисмоний меғнат ҳам зарур. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида бундай меғнат турининг алоҳида аҳамиятли жиҳати бор.

Фан-техника инқилобининг тараққий этиши билан янги меғнат ашёларини ҳосил қилиш имконияти яратилди, лекин шунда ҳам ер табиат кишилиқ жамиятининг биринчи асоси бўлиб қолаверади. Демак, буюк иқтисодчи У.Петтининг «Меғнат бойлиқнинг отаси ва фаол принциpidир, ер эса унинг онаси»¹ деган иборани ўз қийматини тўла сақлаб қолади.

Тадбиркорлик қобилияти ҳам ишлаб чиқариш омилларидан бири ҳисобланади. Тадбиркорлик меғнат ресурсининг алоҳида сифат жиҳатидан фарқ қилувчи томони бўлиб, у ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қилади.

1. Тадбиркор иқтисодий ресурсларни ишлатиб, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташаббусини ўз зиммасига олади. У фойда келтирадиган иш билан шуғулланиб, ишлаб

¹ Қодиров А., Турсунов А., Турғунов У. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: ТДТУ, 1997. 21 бет.

чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида майдонга чиқади.

2. Тадбиркор ўз зиммасига қийин вазифа - бизнесда асосий қарор қабул қилишни олади, яъни корхона фаолияти курсини белгилайди.
3. Тадбиркор - бу новатор, тижорат асосида янги маҳсулот, яъни ишлаб чиқариш технологияси, ҳатто бизнеснинг янги ташкилий шакллари ҳаётга тадбиқ этишга ҳаракат қилувчи.
4. Тадбиркор - бу оқилона таваккал қилиш хатарини ҳисобга олган ҳолда иш юритувчи, тадбиркорнинг фойдаси кафолатланмаган. У фойда ўрнига зарар кўриши, охиروқибат банкрот бўлиши мумкин, қисқача айтганда, тадбиркор ўз вақти, меҳнати ва обрўси билангина эмас, балки ўзи қуйган маблағ ҳамда шериклари акционерлар маблағлари билан ҳам таваккал қилиб иш юритади.

Тадбиркорлик қобилияти ишлаб чиқариш омилларининг бошқа барчасини бириктирувчи омил ҳисобланади. Бу омил меҳнат омилидан фаркланади. Тадбиркорлик қобилияти – бу ғоялар асосидаги меҳнат, тасаббускўрсатиш асосидаги меҳнат, қолаверса, янгиликка мойиллиги борлиги билан асосланадиган меҳнат туридир. Демак, унинг оддий меҳнатдан фарқли жиҳатлари кўп. Тадбиркорнинг ўз қобилиятини ишлатиб, қилган саъй-ҳаракатлари туфайли кўрадиган даромади тадбиркорлик фойдаси деб аталади.

Эҳтиёжлар турли-туман ва чексиз бўлгани ҳолда уларни қондириш учун зарур ресурслар чекланган экан, у ҳолда доимо ишлаб чиқариш омилларини муқобил ишлатиш, улар қўшилишининг энг оқилона вариантини **танлаш муаммоси** келиб чиқади.

Иқтисодий тизимнинг самарали амал қилиш муаммоси - бу танлаш муаммосидир. Бу муаммо иқтисодиётнинг қуйидаги асосий саволларида намоён бўлади.

Нима - маълум бир вақтда қанақа товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш зарур? қанча миқдорда?

Қандай - ишлаб чиқариш омилларининг қапдай комбинациясини, технологияни танлаш керак?

Ким учун - ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни ким сотиб олади, жамиятда яратилган товар ва хизматлардан олинган даромад қандай тақсимланади?

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ана шу саволларга тўғри жавоб танлаш билан боғлиқ. Бунда тадбиркорнинг, менежернинг қолаверса, ҳар бир раҳбарнинг иқтисодий фикрлаш доираси қандайлиги муҳим роль ўйнайди.

5. Ишлаб чиқариш омилларининг бирикиш усули иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга, чунки унга қараб устирувчи куч пайдо бўлади. Уларнинг бирикиш усули икки хил бўлади:

1. Билвосита бирикиш. Бунда ўзига тегишли моддий омиллар ўзганинг иш кучи билан бирикади. Ҳар иккала омилнинг эгаси ҳар хил бўлади. Меҳнат бир томонда бўлса воситалар иккинчи томонда туради. Шу сабабли меҳнат ахли бўлмиш ишлаб чиқарувчида манфаатдорлик ва масъулият кучсиз бўлади.

2. Бевосита бирикиш. Бунда моддий ва шахсий омиллар бир қўлда бўлади, мулкчилик уларни бир-биридан ажратмайди. Ҳам мулк эгаси, ҳам ишловчи айнан бир шахс бўлади. Ўз мулки бўлмиш моддий омилларни ўз кучи билан ишлатиш ишлаб чиқаришни яхши рағбатлантиради, чунки унинг натижаси ишлаб чиқарувчини ўзига тегади.

Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш омили сифатида икки хил бўлади:

1. Меҳнат қуроллари, унга қўл меҳнати қуроллари, машина, механизм, ускуна, ўлчаш асбоблари, ҳисоблаш ва алоқа машиналари кабилар киради.

2. Меҳнат шароити воситалари, унга ҳар хил бинолар, иншоотлар, ёрдамчи қурилмалар, йулар, сум омборлари, каналлар киради.

Меҳнат қуроллари инсон билан меҳнат предметлари уртасида туради. Ҳеч қачон меҳнат беш панжанинг ўзи билан бажарилмаган. Иш кучи қуролларини ҳаракатга келтириб, улар воситасида меҳнат предметларига ишлов бериш орқали маҳсулот яратилади. Меҳнат воситалари таркибида турли унсурларнинг аҳамияти ўзгариб туради.

Қўл меҳнатига таянган ишлаб чиқаришда инсоннинг ва иш хайвонининг мускул энергияси-кучи бирламчи бўлган. Машиналашган ишлаб чиқаришда табиат кучларини жиловлаш орқали олинган энергиянинг масалан, электр энергияси, иссиқлик энергиясининг аҳамияти бекиёс ортади. Биринчидан, электр энергия машиналарни ҳаракатга келтирувчи куч, иккинчидан эса унинг ўзи ашёларни қайта ишлашда меҳнат курули сингари қатнашади. Мураккаб машиналар системасига таянган ишлаб чиқаришда ахборот унинг омилига айланади. Ахборот машиналари системасини ЭҲМ ёрдамида бошқариш учун хизмат қилади. Ҳозирги робототехникани ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки у ЭҲМ сиз ишлаши мумкин эмас. Хулоса қилсак, ишлаб чиқариш омиллари маълум тизимни ташкил этади, улар ҳар хил ускуналардан иборат, бу ускуналар бажарадиган вазифалар бир хил эмас. Улар бажарадиган вазифалар бир-бирига мослашган шароитда ишлаб чиқариш содир бўлади. Моддийқашёвий омиллари шахсий-инсоний омил билан бириккан тақдирдагина ишлаб чиқариш юз беради, ҳаётий неъматлар яратиладики, улар биринчидан, моддий маҳсулотлардан, иккинчидан ҳар хил хизматлардан иборат бўлади.

1.3. Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва товар-пул муносабатлари

Иқтисодий фаолият инсон ҳаётининг асосини ташкил этади. У жуда мураккаб, турли ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олади. Кишилиқ жамияти яшар экан, бу жараёнлар узлуксиз давом этади. Иқтисодчилар иқтисодий фаолиятни назарий жиҳатдан тўрт фазага бўлинади: ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимот, истеъмол. Инсонларнинг хўжалиқ юритиш фаолиятининг натижаси ижтимоий маҳсулот бўлиб, унинг қаракати ана шу тўрт фазани босиб ўтади ва узлуксиз такрорланади.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланади. Бу жараёндан ишлаб чиқариш омиллари ўзаро бирикиб, инсонларнинг турли-туман эҳтиёжларини қондирадиган неъматлар яратилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кўпчилик иқтисодчилар ишлаб чиқаришнинг тўрт омилдан самарали фойдаланишни мақбул кўрадилар. Улар ер, капитал, меҳнат, ва тадбиркорлик омилларини самарали бирикувининг натижаси даромад келтиришга асос бўлишини қайд этишган¹.

Маълумки, ишлаб чиқариш омилларининг бирикуви натижасида муайян товар яратилади. Товар ишлаб чиқариш жуда қадим замонларда, ибтидоий жамоа тузумининг емирилиш давридаёқ пайдо бўлган. Чунки шу даврда товар хўжалигининг вужудга келиши учун зарур бўлган шартлар, яъни биринчидан, ижтимоий меҳнат тақсимои ва иккинчидан ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳидалашуви ва ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш юз берди.

Иқтисодий ресурслар ишлаб чиқариш омилларига айланиши, улардан оқилона фойдаланиш натижасида маҳсулот яратилади, хизмат кўрсатилади. Омиллар ишлаб чиқаришда алоҳида-алоҳида қатнаша олмайди. Улар биргаликда ҳамда маълум бир нисбатда ишлатилади. Улар доимо бир-бирини тўлдиради. Масалан, машина ўрнини жонли меҳнат билан ёки аксинча, табиий ашё ўрнини синтетик ашё билан тўлдириш мумкин. Шунинг учун ресурслардан бири қимматлашса, унинг ўрнини тўлдирадиган бошқа арзон ресурс билан алмаштиришга ҳаракат қилинади. Ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари шу ресурс эгаларининг даромади бўлади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг бир-биридан алоҳидалашиб, мустақил фаолият юритишида ишлаб чиқарувчи мулкдор бўлиши зарур. У ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган маҳсулотнинг эгаси бўлиши керак. Маҳсулотни ўз билганича тасарруф этиши

¹ Қаноатов М. ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси: маърузалар матни. –Наманган. НамМПИ кичик босмаҳонаси, 2007. 39 бет. (электрон версия).

уни эркин айирбошлаш ҳуқуқини беради, чунки ўзганинг маҳсулотини айирбошлаш мумкин эмас.

Мулкдорлар ўртасида товар айирбошлаш юз берганда мулк эгаси манфаатлари кўзланади. Ишлаб чиқариш ривожланиши билан айрим маҳсулот эмас, барча маҳсулот айирбошлаш учун яратилади, яъни бозор учун товар ишлаб чиқариш умумий характерга эга бўлади. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш бундай шароитда бир марта бўладиган тасодифий ҳодиса эмас, балки миллиард марта такрорланадиган узлуксиз жараёнга айланади.

Маҳсулотни товар шаклида ишлаб чиқариш - бу ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян тузилиши бўлиб, бунда кишилар ўртасида иқтисодий муносабатлар бозор орқали, уларнинг меҳнати маҳсулотларини олди-сотди қилиш орқали намоён бўлади. Товарни сотишдан мақсад унинг ўрнига бошқа товарни сотиб олиб эҳтиёжни қондиришдир. Бу шахсий эҳтиёж бўладими ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжи бўладими, фарқи йўқ албатта. Ишлаб чиқарувчи киши бир вақтда истеъмолчи ҳам бўлади. У бир томондан сотувчи бўлса бошқа томондан харидордир. Кишиларнинг меҳнати бозор орқали жами меҳнатнинг бир қисми эканлигини ифодалайди. Бозордаги алоқалар аслида бу меҳнатни ижтимоий эътироф қилишнинг бевосита эмас, балки билвосита йўли, яъни товарни бозорда, олди-сотди этиш йўли билан меҳнатнинг эътироф этилишидир.

Товар ишлаб чиқариш умуминсоний иқтисодий ҳодиса, у ҳамма ерда мавжуд. Меҳнат маҳсули товарга, ишлаб чиқарувчи эса товар ишлаб чиқарувчига айланиши ҳамма жамиятлар учун муқаррар ҳодисадир.

Товар меҳнат маҳсули бўлиб, у кишининг бирон-бир эҳтиёжини қондиради ва айирбошлаш мақсадида яратилади. Демак, айирбошлаш, сотиш мақсадида ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулига товар дейилади. Товарнинг маҳсулотдан фарқи шундаки, у ишлаб чиқарувчини эмас, балки бошқа кишининг бирон-бир эҳтиёжини қондиради.

Хуллас ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсулининг товарга айланиши учун у кишиларнинг бирон бир эҳтиёжини қондириши лозим. Акс ҳолда уни ҳеч ким сотиб олмайди, баъзи товарлар кишиларнинг бевосита шахсий эҳтиёжини қондиради (масалан: озиқ -овқат, кийим-кечак ва бошқалар), баъзи товарлар эса кишиларнинг шахсий эҳтиёжини бевосита қондирмайди. Лекин улар ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ишлатилади. (Масалан: машиналар, станоклар, асбоб-ускуналар, хом ашё, ёқилғи ва бошқалар).

Шундай қилиб товарнинг икки хил хоссаси бўлиб: биринчидан, у кишининг қандайдир эҳтиёжини қондиради, иккинчидан, у бошқа буюмга айирбошланади. Бошқача қилиб айтганда, товар истеъмол қийматига ва алмашув қийматига эгадир.

Буюмнинг истеъмол қиймати шундан иборатки, у кишилар учун фойдалидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, у ё шахсий истеъмол буюми сифатида, ёхуд ишлаб чиқариш воситаси сифатида кишиларнинг бирон - бир эҳтиёжини қондиради. Ишлаб чиқариш истеъмол қиймати яратади. Меҳнат маҳсулининг истеъмол қиймати ижтимоий муносабатларни бевосита акс эттирмайди, аммо у тарихий характерга эгадир, чунки унинг роли ва аҳамияти ижтимоий шароитларнинг ўзгаришига қараб ўзгариб туради.

Агар ишлаб чиқарувчи маҳсулотни ўзи учун ҳосил қилса, у ҳолда маҳсулот истеъмол қиймати ишлаб чиқарувчининг ўзи учун бўлади. Агар меҳнатнинг ижтимоий бўлиниши туфайли маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун эмас, балки бошқа шахснинг истеъмоли учун яратилса, у ижтимоий истеъмол қийматга, бошқалар учун истеъмол қийматга айланади. Товар ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қиймат ишлаб чиқарувчининг эмас, балки шу товарни сотиб олувчи шахсларнинг эҳтиёжини қондирмоғи лозим. Бинобарин, товар ишлаб чиқариш жараёнида ижтимоий истеъмол қиймат яратилмоғи лозим. Аммо ҳар қандай истеъмол қийматига эга бўлган ҳамма моддий неъматлар товар ҳисобланмайди.

Масалан, тоғларда ёввойи ҳолда ўсадиган мевалар, чашма сувлари ҳам кишиларнинг у ёки бу эҳтиёжини қондиради, аммо улар товар эмас.

У ёки бу предметнинг товарга айланиши учун унга меҳнат сарфланиши ва бозор учун, айирбошлаш ва сотиш учун ишлаб чиқарилиши лозим. Демак, товарнинг истеъмол қийматининг тарихий хусусияти унда алмашув қийматининг мавжудлигидир.

Буюмларнинг истеъмол қиймати, уларнинг кишилар учун фойдалилиги фан ва техника тараққиёти билан тарихан маълум бўлиб боради. Масалан, темирнинг фойдалилиги одамлар рудадан темир эритишни ва ундан меҳнат қуроллари ва предметлари ишлаб чиқаришни ўрганиб олганларидан кейин маълум бўлди. Фан ва техника тараққиёти янада ривожлана борган сари, фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий қилина борган сари, темир ва бошқа металлларнинг қўлланишининг тобора янги имкониятлари уларнинг жамият учун янгидан - янги хоссалари маълум бўлиб бормокда.

Демак, истеъмол қийматига эга бўлган предметнинг товарга айланиши учун у истеъмол қийматига эга бўлиши билан бирга, алмашув қийматига ҳам эга бўлиши лозим. Иқтисодиёт назарияси истеъмол қийматини тарихий категория сифатида, ижтимоий муносабатлар билан боғлаган ҳолда ўрганади. Кишилиқ жамиятининг бойлиги доимо истеъмол қийматлар йиғиндисидан иборат бўлиб келган. Лекин маълум бир ижтимоий шароитга келиб алмашув қийматига ҳам эга бўлади. Бугдой доимо бугдой, лекин маълум бир ижтимоий шароитга келиб, алмашув қийматига ҳам эга бўлади. Агар А товар Б товарга баробар (бир жуфт этик бир пуд бугдойга) деб олинса, бу иккала товарни бир-бирларига баробарлаштираётган қандайдир бир нарса, ҳар иккала товарга хос бўлган ана шу умумийлик бўлиши керак.

Баъзи бир иқтисодчилар ҳар қандай айирбошлаш асосида талаб ва таклиф этади деб, таъкидлайдилар. Инглиз иқтисодчиси Д.Манмонд фикрича, талаб ва таклиф оралигида ягона нарх дастаги мавжуд қиймат деб аталади. Унинг таъкидлашича, агарда бозорда айирбошланадиган бугдой таклифи талабдан кўп бўлса, унда бугдойнинг алмашув қиймати камаяди. Масалан, 1 кг бугдойни айирбошлаш учун 0,5 метрдан камроқ газлама керак. Агар бугдойга талаб кўп бўлса аксинча, бугдойнинг алмашиш қиймати ошади, унда 1 кг бугдойга 0,5 метр эмас 0,75 метр ва ундан ортиқ газлама берадилар.

Талаб ва таклиф ҳақиқатан айирбошлаш мутаносиблигига таъсир кўрсатади, лекин товарнинг алмашув қийматини яратмайди. Фараз қилайлик, талаб ва таклиф бир - бирига мос келди. Аммо алмашув мутаносиблигини талаб ва таклиф назарияси жавоб бера олмайди.

Бошқа бир назариётчилар товарларни айирбошлаш мутаносиблигини уларнинг нафлиги билан боғлайдилар. Жумладан, Австрия иқтисодчиси Е.Бем-Баверк фикрича буюмнинг нархи, бу буюмнинг фойдалилиги билан белгиланиши керак.

Лекин ҳаётда буюмларнинг фойдалилиги товарларни айирбошлаш учун асос бўлолмайди. Агар товарлар фойдалилигига қараб айирбошланса, унда инсон эҳтиёжи учун керакли бўлган: нон, гўшт, сут ва бошқалар ҳамма товарларга қараганди қиммат бўлиши керак, улар нафли бўлганидан кўпгина товарларга айирбошланиши керак. Бироқ бизга маълумки, шундай товарлар борки, сут ва нон каби зарур эмас, лекин улар жуда қиммат туради. Товарларнинг фойдалилиги билан алмашув қиймати ўртасида боғлиқлик бор, аммо бу ягона сабаб эмас.

Товарларни тенглаштириш учун асос-уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнатдир. Товарларни тенглаштириш ҳамда айирбошлаш учун турли товарларга бир хил миқдорда меҳнат сарф қилиниши керак. Юқоридаги мисолимизда 1 кг бугдой 0.5 м. газламага тенглашади. Сабаб 1 кг бугдойни етиштириш учун кетган меҳнат 0.5 м газламага кетган меҳнатга тенг. Товарда гавдаланган меҳнат унинг қийматини вужудга келтиради. Албатта бу ерда жами ишлаб чиқариш босқичида сарфланган меҳнатнинг ҳаммаси назарда тутиляпти.

Ҳар қандай товарнинг истеъмол қийматини, унинг фойдалилигини сезиш ёки билиш мумкин. Лекин товар қийматида моддийликнинг заррачаси ҳам бўлмайди, уни

сезиш қийин. Истеъмол қиймати товарларнинг ҳар-хил табиий хусусиятларини ифода этади. Қиймат эса ижтимоий -иқтисодий хусусиятларни ифода этади.

Қиймат меҳнатнинг маҳсули бўлиб, товарнинг ички хусусиятларини ифода этади. Товар ўзида истеъмол қиймати ва қийматни ифода этади, лекин улар ўзини алмашув қиймати орқали ифодалядилар.

Товар қийматининг манба эканлигини биринчи бўлиб инглиз иқтисодчиси В.Петти исботлаганди. Қийматнинг ҳажми бевосита унга сарфланган меҳнатнинг миқдори билан белгиланади. Демак меҳнат сарфи қанча кам бўлса, товар қиймати шунча пасаяди ёки аксинча.

Меҳнат сарфлари ва қийматини бир-бирига аралаштириш асло мумкин эмас. Ҳамма қиймат ҳам қийматни яратмайди. Мисол учун натурал хўжалик шароитида меҳнат сарфлаш орқали маҳсулот яратилган, лекин ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари истеъмол қилмаган. У даврда меҳнат сарфланганлигига қарамай, маҳсулот товарга айланмаган ва қийматга эга бўлмаган. Бинобарин фақат товар яратилганда меҳнат сарфи қийматни билдиради. Товар буюм шаклида бўлса-да, унинг қийматини буюмлар муносабати деб унга моддий тус бериш нотўғри. Қиймат товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатни билдиради.

Қиймат тарихий категория бўлиб, товар ишлаб чиқаришни вужудга келиши билан боғлиқ, чунки у фақат товарнинг хусусиятидир. Товар хўжалигининг классик назариясига кўра товарнинг иккиёқлама хусусиятли бўлиши (истеъмол қиймати ва қиймат) сабаби товар ишлаб чиқарувчи меҳнатининг икки томонлилигидир.

Меҳнат жараёнида товар ишлаб чиқарувчи истеъмол қиймати ва қиймат яратади. Бу ҳолат товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати икки томонлама характерга эгалигидан келиб чиқади. Бир томондан у кишиларнинг бирон бир эҳтиёжини қондирадиган буюмлар яратиладиган меҳнатдир. Муайян фойдали меҳнат, ижтимоий шароитдан қатъий назар кишиларнинг яшаб туриши учун абадий табиий заруриятдир. Иккинчи томондан, ҳар бир товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати конкрет формалардан қатъий назар бутун ижтимоий меҳнатнинг бир зарраси, умуман одам иш кучининг сарфланишидир. Меҳнатнинг биринчи тури аниқ меҳнат, иккинчи тури абстракт меҳнат деб аталади. Аниқ меҳнат-муайян фойдали формада сарфланадиган меҳнат-муайян истеъмол қиймат (кўмир, металл, ғалла ва х.к. лар) яратади. Истеъмол қийматлар ҳар хил бўлганидек, аниқ меҳнат ҳам турлича бўлади. Шунинг назарда тутмоқ керакки, аниқ меҳнат ишлаб чиқарилаётган истеъмол қийматларнинг, моддий бойликнинг бирдан-бир манбаи эмас. Киши табиатда мавжуд моддий нарсанигина қайта ишлайди. Истеъмол қиймати икки элементнинг-табиат нарсаларини ва меҳнатнинг қўшилиш натижасидир.

Меҳнатнинг аниқ шаклидан қатъий назар, киши энергиясининг (мускуллари, мияси, асаблари ва ҳоказоларнинг) сарфидир, жами умуминсоний ижтимоий меҳнат сарфининг заррасидир. Шунингдек, абстракт меҳнат товар ишлаб чиқаришнинг характерли хусусиятидир. У товар ишлаб чиқарувчилар муносабатини ифодаляди ва шунинг учун тарихий категориядир. Равшанки, натурал хўжалик шароитида кишилар меҳнатида қандайдир умумийлик бўлган. Бирок натурал хўжаликдаги меҳнатнинг бу умумий томони алмашув жараёнида буюмларни тенглаштириш йўли билан эмас, балки билвосита намоён бўлган.

2-боб: «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий бошқарувида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг амалий ҳолати ва муаммолари

2.1. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ривожланиши ва иқтисодий жиҳатдан бошқарилиши

“Норин тола” очик акциядорлик жамияти пахтани дастлабки ишлов беришга ихтисослашган корхона бўлиб, Норин туманига қарашли Ҳаққулобод шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 78-уйда жойлашган. ушбу корхона туман ҳокимлигининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияси” томонидан 2014 йил апрелда 033-сон рақам билан ташкил этилган.

“Норин тола” очик акциядорлик жамияти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган Низом асосида ташкил этади¹. Мазкур очик акциядорлик жамияти тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир. Бу корхона қуйидаги турларда ўз фаолияти ва хизмат кўрсатишини амалга оширади:

- пахта хом ашёси харид қилиш, қайта ишлаш, бозор механизмларини ривожлантириш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли юқори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва шу орқали пахта тозалаш корхонасининг иқтисодий самарадорлигини кучайтириш ва фойда олиш:

- корхона иқтисодий, молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, корхонада ишловчилар учун қулай, замонавий шароитлар яратиш, уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш;

- Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш саноатининг ривожига муносиб ҳисса қўшиш;

- халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, бозор механизмларини ривожлантириш, бозорда рақобатга бардошли, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

- Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқаридаги истеъмолчиларга бошқа хил халқ хўжалик

истеъмоли молларини етказиб бериш;

- корхонани техник жиҳатдан жиҳозлаш, замонавийлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, корхонани ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш.

Акциядорлик жамияти қуйидаги фаолият соҳаларини амалга оширади:

- пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаган юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;

- тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ пахта хом ашёсини харид қилиш ва уни белгиланган режа-топшириқларга мувофиқ ўз вақтида қайта ишлаш, ишлаб чиқарилган пахта маҳсулотларини тузиладиган шартномаларга мувофиқ экспортга ва ички бозор истеъмолчиларига етказиб бериш;

- пахта етиштирувчи хўжаликларни пахтанинг жаҳон бозорида харидоргир бўлган селекция навларининг юқори кондицияли уруғлик чигитлари билан таъминлаш, пахта хом ашёсининг сифатли қабул қилиниши, сакланиши ва қайта ишланишини ташкил қилиш;

¹ Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун (06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сон) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

- Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси орқали ҳамда "Namanganpaxtasanoat" hududiy birlashmasi акциядорлик жамияти томонидан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фондаланиш, пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан тузиладигане контрактация шартномаларига мувофиқ пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан белгаланган тартибда ҳисоб - китоб қилиш;

- пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта толаси ва бошқа пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмолчиларга жўнатиш ва шу маҳсулотларнинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш, пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари, уни экспортга ва республика истеъмолчиларига сотиш бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш;

- пахта тозалаш корхонасини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ривожлантириш билан шуғулланиш;

- ўзаро самарали ҳудудий ҳамкорлик, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ташқарисида филиаллар, қўшма корхоналар, ваколатхоналар, ишлаб чиқариш цехлари ташкил қилиш;

- шартнома асосида олий ўқув юртлари билан юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

- инвесторлар билан шартнома асосида жамиятга хўжалик фаолияти учун самарали бўлган инвестициялар киритиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ташқарисида юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар асосида ўзаро самарали фаолият кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мол-мулк, кўчмас мулк, интеллектуал мулклар олиш, сотиш, ижарага бериш;

Акциядорлик жамияти ўзига юкланган қуйидаги функцияларни бажаради:

- хизмат кўрсатувчи банк билан биргаликда пахта хом ашёсини харид қилиш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузади, уларнинг бажарилишни таъминлайди. Тайёрланган пахтанинг миқдори ва сифати бўйича маълумотларнинг ишончлилигини таъминлайди;

- пахтанинг навлар бўйича жойлаштирилиши, уруғлик пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясига риоя этилишини таъминлайди;

- корхонанинг банкда очилган махсус ҳисоб рақами орқали, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан белгиланган тартибда пахтани қайта ишлаш ва маҳсулотни сотиш тугаллангандан кейин, узил-кесил ҳисоб-китоб қилади;

- пахта маҳсулатининг экспортга ва республика истеъмолчиларига жўнатиш ишларини ташкил этади;

- пахта етиштирувчи хўжаликларни ва пахта тозалаш корхоналарни молиялаш миқдорларни ҳисоб-китобини ҳудудий бирлашмага ўз вақтида тақдим этилишини ҳамда тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини таъминлайди;

- контрактация шартномалари бажарилиши, пахта тозалаш корхонаси бўйича пахта маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва етказиб берилиши ҳажми юзасидан маълумотларни ҳудудий бирлашмага ўз вақтида тақдим этади;

- инвестиция дастурларини амалга оширади, корхонани замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича иш ҳажмини бажаради;

- пахта хом ашёсини қайта ишлашнинг технологик регломентига риоя этилишини, хом ашё ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланилиши, пахта толаси чигит ва момикнинг нормативларга мувофиқ чиқишини таъминлайди, рақобатбардош сифатли пахта маҳсулотларини ишлаб чиқарилиши ҳамда пахта маҳсулотлари билан ишлашда

ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлайди;

- пахта хом ашёсини харид қилиш, пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш, жўнатиш ва унинг қолдиқлари бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботларни юритади ҳамда маълумотларни белгиланган тартибга мувофиқ давлат ҳудудий статистика органларига ва бирлашмага тақдим этади;

- жамият фаолияти самарадорлигини ошириш ва ишчи-хизматчилари керакли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу маҳсулотлар билан улгуржи савдо ва транспорт хизмати фаолиятини амалга оширади.

- халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш;

- ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли молларининг улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалик, жумладан боғдорчилик, паррандачилик, пиллачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш;

- бичиш-тикиш цехларни ташкил қилиш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш;

- жамият ходимлари учун даволаниш прафилактика ва тиббий консультатив муассасаларни ташкил этиш (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлигининг рухсатномаси олинган ҳолдагина)

- хусусий тижорат-воситачилик фаолиятини амалга ошириш кичик ва кўшма корхоналар тармоқларини, тижорат марказларини, майда улгуржи, воситачи ва чакана савдо дўконлари, савдо уйлари, улгуржи ярмаркаларни очиш;

- ишлаб чиқарилган ўз маҳсулотлари ва вилоят ҳудудидан ташқарида харид қилинган маҳсулотларни сўмга ва валютага сотиш учун турли хилдаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш корхоналари очиш;

- Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа барча фаолиятларни амалга ошириш.

“Норин тола” очик турдаги акциядорлик жамиятида юқоридаги каби Низомда кўрсатилган ва амалга оширилиши учун махсус рухсат (лицензия) талаб қиладиган, фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия берилгандан сўнг амалга оширилади. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

2.1.1-жадвал

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг устав фонди таркиби¹

Корхоналар номи	Улуши	Қиймати	Акция сони, дона
"Namanganpaxtasanoat hududiy birlashmasi" акциядорлик жамияти	51,0%	369 044 721	179 061
Бошқа юридик ва жисмоний шахслар	49,0	354 570 318	172 038

¹ Жадвал муаллиф томонидан “Норин тола” ОАЖнинг Низоми асосида тузилган.

Бугунги кунда “Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг устав капитали 723,6 млн. сўмдан кўпроқни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 2061 сўм бўлган 351099 дона оддий акцияларга бўлинган. Бу оддий акцияларнинг 179061 донаси “Namanganpaxtasanoat hududiy birlashmasi” акциядорлик жамиятига тегишли бўлиб, уларнинг умумий қиймати 369,0 млн. сўмдан ортиқроқ. Қолган 172 038 дона оддий акциялар 354,5 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этиб, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга тегишлидир.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг устав капитали акциялар номинал қийматини ошириш ёки акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Кўшимча акциялар жамият томонидан Низомда белгиланган эълон акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг юқори миқдори – номинал қиймати 2061 сўм бўлган 175 550 дона 361 308 550 сўмдаги оддий акциялардан иборат.

Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштирилладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорга чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтарниш тартиби белгиланади.

Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик обуна усули билан белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан биржа ёки биржадан ташқари уюшган бозорда жойлаштирилади. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул воситасида амалга оширилади. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтириши мумкин. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, жамият устав капиталини камайтиришга ҳақли эмас.

Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситаларни ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларининг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботининг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивидендларни тўлаш муддати ва

тартиби акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади. Жамият захира фондига ушбу уставнинг белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилади. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларда, мажбурий ажратмалардан тикланади.

2.2. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Норин туманида пахта етиштириш етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (йиғирилган ип, газлама, тайёр кийим-кечаклар ва бошқалар) экспортдан олинаган фойда вилоятда йиллик валюта тушумларини 35 % ни ташкил этади¹.

Тараққиётимизнинг стратегик йўналишларидан бири, пахта хом ашёсини экспорт қилиш эмас, балки ундан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорига сотишдан иборат. Агар бунга тўлиқ эришилса, пахтачиликдан олинган йиллик валюта тушумлари ҳозиргига нисбатан 4-5 баравар ошиши мумкин. Пахта толасидан хилма-хил газламалар, ип, арқон, балиқ овлайдиган тўр, тасма, транспортер ленталари, автомобил баллонлари ва бошқалар тайёрланади.

“Норин тола” очик акциядорлик жамияти юқори механизациялаштирилган ва қисман, автоматлаштирилган корхоналар қаторига киради. Завод таркибида пахта тайёрлаш пунктлари, қуритиш-тозалаш цехи, чигитдан толани ва линтни ажратадиган линиялар, тола ва линтни пресслаш, уруғлик чигитга ишлов бериш машиналари комплекси ўрнатилган бўлимлар бор. Бу машиналар комплекси ҳамда маҳсулот сифатини аниқлайдиган ва назорат қиладиган лабораториялар тайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини юқори бўлишини таъминлайди.

Бу оғир вазифани амалга ошириш учун тола ишлаб чиқариш технологиясини, яъни пахта етиштириш ва уни қайта ишлашни илмий боғлиқлик асосида ривожлантириш лозим.

Маълумки, пахта толасининг ўзига хос хусусияти бошқа табиий ва сунъий толаларда учрамайди. Уни микроскоп остида кўрилганда спирал шаклда бўлади. Шунинг учун ҳам у эластик хусусиятга эга бўлиб, тўқимачилик машиналари (дастгоҳлари)да бир бири билан яхши уланади.

Ҳозирги пайтда пахта ишлаб чиқарувчилар етиштирилган ҳосилни пахта тозалаш заводларига сотадилар, ўз навбатида бу заводлар қайта ишлаш натижасида олган маҳсулотларни, яъни тола, чигит ва линтларни сотиш ташкилотларига пуллайдилар. Юқорида келтирилган тизимда толасимон масса икки марта сотилади. Бозор иқтисодиёти шароитида мулкни бундай тарзда бўлиниши кўнгилсиз ҳолларга олиб келади. Бунини бартараф этиш учун пахта етиштирувчилар (фермер хўжаликлари) пахтани заводларга эмас, балки пахтадан ажратиб олинган толани сотиш билан шуғулланаётган ташкилотларга пуллашлари лозим.

¹ Муаллиф томонидан олиб борилган таҳлиллар асосида ҳисобланган.

Маълумки, бир тонна пахтадан 340-350 кг тола, 50-60 кг момик (линт) ва 600 кг чигит олинади. Бир тонна чигитдан 170 кг мой, 400 кг кунжара (чигитнинг мойи олингандан кейин қолган маҳсулот), 50-60 кг шелуха олинади. Бундан ташқари маргарин, кир совун, алиф мойи, порх, кино ва фотоплёнка, шифер ва бошқа материаллар олинади. Бир килограмм толадан 5 метр газлама, ёки 140 та ғалтак ип, ёхуд 900 грамм йигирилган ип тайёрлаш мумкин.

Норин тумани хўжаликлари экиб етиштирилган пахта ҳосилини контракция шартномасига биноан пахта тозалаш заводида қарашли ёки хўжаликларга қарашли пахта тайёрлаш пунктига сотадилар. Пахта тайёрлаш пунктлари заводга нисбатан жойлашишига қараб, завод қошидаги ёки заводдан ташқаридаги пунктларга бўлинадилар.

Завод қошидаги пахта тайёрлаш пунктлари заводнинг умумий ҳудудида жойлашган бўлиб, у ердан 15-20 км масофа чамасида жойлашган хўжаликлар пахтасини қабул қиладилар. Заводдан ташқаридаги пунктлар эса, 15-20 км дан узоқ жойлашган хўжаликларнинг пахтасини қабул қиладилар. Пахта тозалаш заводи қуйидаги зоналарга бўлинадилар:

- хом - ашё сақланадиган;
- тайёр маҳсулотлар омборлари;
- пахтани ишлаш;
- лаборатория ва маъмурий бинолар зоналари.

Пахта тайёрлаш пунктининг идораси, лаборатория ва бошқа ёрдамчи хоналар одатда, бир бинода жойлашган. Қуритиш-тозалаш цехининг ўтхонаси, суюқ ёқилғи омбори (газ ёқилғи ҳам бўлиши мумкин), трансформатор подстанцияси, 25 тоннали автомобил тарози жойлашган пахта қабул пости, ҳудудга кириш дарвозаси, чегара деворлари, механизмлар турадиган майдонча, ўт ўчириш депоси, хожатхона, панжарали тўсиқ, ички дарвоза, канализация насоси, 500 м³ сув сиғадиган ховуз, ошхона, ўт ўчириш насослари, сув минораси ва прожекторлар тегишли тарзда пункт ҳудудида жойлаштирилган. Тайёрлаш пунктини электр энергияси билан таъминлаш учун 560 кВА ли трансформатор ўрнатилган.

Пахтадан тайёр маҳсулот олиш учун бажариладиган ҳамма ишлар мажмуи пахтани дастлабки ишлаш жараёни деб аталади. “Норин тола” акциядорлик жамияти зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

- хўжаликларда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- қабул қилинган хом ашёнинг табиий сифат кўрсаткичларини имконияти бор даражада сақлаб қолиш;
- пахта хом – ашёсини сортлар ва навлар бўйича комплектация қилишни тўғри йўлга қўйиш;
- хўжаликларни ўз вақтида юқори сифатли уруғлик чигитлар билан таъминлаш;
- янги техника ва технологияни ўз вақтида ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва хоказо.

Норин туманида жойлашган “Норин тола” очиқ турдаги акциядорлик жамиятида қуйидаги цехлар ва бўлимлар мавжуд:

- қуритиш-тозалаш цехи;
- тозалаш цехи;
- заводнинг бош корпуси (унда жинлар, линтерлар, гидропресслар ва бошқа машиналар ўрнатилган);
- механик устахонаси ва таъмирлаш учун керак бўлган материаллар омбори;
- техник ва уруғлик чигитлар сақланадиган омборлар;
- тола тойлари сақланадиган омбор ва платформа;
- чанг тутувчи ускуналар блоки ва бошқалар.

“Норин тола” очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омиллари таркибидаги асосий воситалар корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда муҳим роль

ўйнайди. Асосий воситаларсиз корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни тасаввур қилиб бўлмайди. Асосий воситалар ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказиб боради. Уларга моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишлатиладиган иморатлар, иншоотлар, ўтказувчи ва узатувчи мосламалар, машина ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари ва бошқа меҳнат воситалари киради.

2.2.1-жадвал

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш омиллари таркибидаги асосий воситаларнинг таҳлили¹

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	Ўзгариши
1	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	минг сўм	6204385	6135777	8015264	+1879487
2	Асосий воситаларнинг Эскириш суммаси	минг сўм	1491582	1777487	3078184	+1300697
3	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	минг сўм	4712803	4358290	4937080	+578790
4	Асосий воситаларнинг эскириш даражаси (2қ:1қ×100)	%	24,0%	28,9	38,4%	9,5 пунктга ошган
5	Асосий воситаларнинг ишга яроқлилик даражаси (3қ:1қ×100)	%	76,0%	71,1%	61,6%	9,5 пунктга камайган

2.2.1-жадвалда «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш омилларини ташкил этувчи асосий воситаларнинг таҳлили келтирилган. Бунда 2014 йил ҳолатида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати 8015264 минг сўмни ташкил этган. Бу эса 2013 йилга нисбатан олганда 1879487 минг сўмга кўпайганлигини билдиради. Худди шу кўрсаткич 2012 йилда 6204385 минг сўмни ташкил этган.

«Норин тола» очик акциядорлик жамиятида асосий воситаларнинг эскириш қиймати 2012 йилда 1491582 минг сўмни, 2013 йилда 1777487 минг сўмни ва 2014 йилда эса 3078184 минг сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан олганда 1300697 минг сўмга ошган. Худди шундай мазкур корхонанинг асосий воситаларидаги қолдиқ қиймат ҳажми ҳам ошиб борган. Масалан, 2014 йилда бу кўрсаткич 4937080 минг сўмни ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан олганда 578790 минг сўмга ошган.

Асосий фондларнинг эскириши – бу асосий восита объектларининг дастлабки имкониятларини йўқотганликларини тавсифловчи жараён (физик ва маънавий). Эскириш меъёри – асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қийматига фоиз ҳисобида ифодаланган эскириш миқдори.

¹ Жадвал муаллиф томонидан “Норин тола” ОАЖнинг ҳисоботларидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

Амортизация эскиришнинг қийматдаги ифодаси бўлиб, асосий фонд активининг бутун хизмати давомида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига ва давр харажатларига қўшиладиган амортизация қийматини систематик тарзда тақсимлашдир.

«Норин тола» очик акциядорлик жамиятида асосий воситаларнинг эскириш даражаси йилдан йилга ошиб борган. Масалан, 2014 йилда худди шу кўрсаткич 38,4%ни ташкил эиб, 2013 йилга нисбатан олганда 9,5 пунктга ошганлигини кўрсатади. Ўз навбатида «Норин тола» очик акциядорлик жамиятидаасосий воситларнинг ишга яроқлилик даражаси йилдан йилга камайиш тенденциясини олган. Хусусан, 2014 йилда бу кўрсаткич 61,6%ни ташкил этган. Бошқача айтганда, мазкур корхонада асосий воситаларнинг ишга яроқлилик даражаси 9,5 пунктга камайган.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати солиштирма нархларда 2012 йилда 14846264 минг сўмни, 2013 йилда 16755462 минг сўмни ва 2014 йилда 19364977 минг сўмни ташкил этган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 2609515 минг сўмга ёки 115,6% га кўпайган. Бу кўрсаткич корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайганлиги ҳисобига эмас, балки корхона маҳсулотларининг харид нархини ўтган йилга нисбатан ошганлиги ҳисобига ортган. Чунки муайян инфляция борлиги барчамизга маълум.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларини ишга солганда асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларида турли ўзгаришлар рўй берган. 2.2.2-жадвалдан кўриш мумкинки, корхонада ишлаб чиқарилган тола миқдори 2012 йилда 4787 тоннани, 2013 йилда 4705 тоннани ва 2014 йилда 4644 тоннани ташкил қилган. Заводга берилган хом ашё миқдорини ўтган йилга нисбатан камайиб кетганлиги ҳисобига тола ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан 61 тоннага камайган ёки ўтган йилги кўрсаткичнинг 98,7%ига тўғри келган.

“Норин тола” очик акциядорлик жамияти қайта ишлаши лозим бўлган пахта хом ашёси миқдорини ўзи белгилай олмайди. Корхонага асосан пахта хом ашёсини туманда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари етказиб берадилар. Хом ашё миқдори асосан табиий омилларга боғлиқ равишда турли йилларда турлича бўлади. Корхонада қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори 2012 йилда 14334 тоннани, 2013 йилда 14141 тоннани ва 2014 йилда 13450 тоннани ташкил этган. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш миқдори жорий 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 691 тоннага камайган.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолияти натижалари кўп жиҳатдан хом ашёдан толанинг чиқиш миқдорига боғлиқ. Бу кўрсаткич 2012 йилда 33,3 фоизга, 2013 йилда 33,2 фоизга ва 2014 йилда 34,5 фоизга тўғри келган. Толадан ташқари чигит, пахта момиғи ва улюк заводнинг иккиламчи маҳсулоти ҳисобланади. 2014 йил давомида 8070 тонна чигит, 40 тонна улюк ва 188 тонна пахта момиғи ишлаб чиқарилган барчаси бўйича ўтган йилга нисбатан камайиш кузатилган. Хом ашёни дастлабки қайта ишлаш жараёнида тозалаш цехларида катта миқдорда чиқиндилар ажратиб олинади. Уларнинг умумий миқдори заводда қайта ишланган хом ашё миқдорига боғлиқ бўлади. Тозалаш цехларида пахта хом ашёси таркибидан 2012 йилда 1003 тонна, 2013 йилда 990 тонна ва 2014 йилда 942 тонна чиқиндилар ажратиб олинган.

**“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг фаолиятидаги
иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили¹**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўтган йилга нисбатан фарк	
						Миқ- дорда	% да
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш (солиш- тирма нархларда)	минг сўм	14846264	16755462	19364977	+2609515	115,6
2	Ишлаб чиқарилган тола	тонна	4787	4705	4644	–61	98,7
3	Қайта ишланган пахта хом ашёси	тонна	14334	14141	13450	–691	95,1
4	Хом ашёдан тола чиқиши	%	33,3	33,2	34,5	+1,3	103,9
5	Чигит	тонна	8600	8481	8070	–411	95,2
6	Пахта момиғи	тонна	201	198	188	–10	94,9
7	Улюк	тонна	43	42	40	–2	95,2
8	Ишлаб чиқариш чиқиндилари	тонна	1003	990	942	–48	95,1
9	Дебиторлик қарзлари	минг сўм	255629	39039	122067	+83028	312,6
10	Кредиторлик қарзлари	минг сўм	1051466	1519327	996120	–523207	65,6
11	Заводда ишловчилар:	киши	380	375	372	–3	99,2
	-саноат ходимлари	киши	125	122	121	–1	99,2
	-идора ходимлари	киши	34	34	33	–1	97,1
	-пахта пунктлари ходимлари	киши	221	219	218	–1	99,5
12	Сим-лента сарфи	тонна	31	30	29	–1	96,7
13	Ўров материаллари сарфи	комп.	14099	14070	14065	–5	99,9
14	Электр-энергияси сарфи	минг квт.	1840	1692	1683	–9	99,5
15	Ишлаб чиқариш куватларидан фойдаланиш	%	71,6	70,7	67,3	–3,4	95,2
16	Корхонанинг соф фойдаси	минг сўм	52146	84802	115019	+30217	135,6

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг барча технологик ускуналари ва станоклари электр-энергияси ҳисобига ҳаракатга келтирилади ва бу заводда катта

¹ Жадвал муаллиф томонидан “Норин тола” ОАЖнинг ҳисоботларидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

миқдорда электр энергиясининг сарфланишига олиб келади. Корхонада 2012 йилда 1840 минг квт., 2013 йилда 1692 минг квт. ва 2014 йилда 1683 минг квт. электр энергияси сарфланган. Электр-энергияси сарфининг умумий хажми 2014 йилда ўтган йилга нисбатан 9 минг квт.га камайган.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида маҳсулот хажми ва шунга боғлиқ равишда хўжалик фаолияти самарадорлиги кўп жиҳатдан хом ашё сифатида боғлиқ. Ишлаб чиқаришга берилган хом ашё сифати хом ашёдан толани чиқиш миқдори билан белгиланади. “Норин тола” очик акциядорлик жамияти қайта ишлаши лозим бўлган пахта хом ашёси миқдорини ўзи белгилай олмайди. “Норин тола” очик акциядорлик жамиятига асосан пахта хом ашёсини туманда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари етказиб берадилар. Хом ашё миқдори асосан табиий омилларга боғлиқ равишда турли йилларда турлича бўлади. Корхонада қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори 2011 йилда 14251 тоннани, 2012 йилда 13981 тоннани ва 2013 йилда 20200 тоннани ташкил этган. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш миқдори жорий 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 6219 тоннага ёки 144,5 фоизга ўсган.

Корхонада жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати солиштирма нархларда 2011 йилда 12675497 минг сўмни, 2012 йилда 13586784 минг сўмни ва 2013 йилда 16281694 минг сўмни ташкил этган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 2694910 минг сўмга ёки 119,8% га кўпайган.

Толадан ташқари чигит, пахта момиғи ва улюк заводнинг иккиламчи маҳсулоти ҳисобланади. 2013 йил давомида 9860 тонна чигит, 178 тонна улюк ва 306 тонна пахта момиғи ишлаб чиқарилган барчаси бўйича ўтган йилга нисбатан ўсишга эришилган.

Хом ашёни дастлабки қайта ишлаш жараёнида тозалаш цехларида катта миқдорда чиқиндилар ажратиб олинади. Уларнинг умумий миқдори заводда қайта ишланган хом ашё миқдорига боғлиқ бўлади. Тозалаш цехларида пахта хом ашёси таркибидан 2011 йилда 921 тонна, 2012 йилда 861 тонна ва 2013 йилда 1313 тонна чиқиндилар ажратиб олинган.

Тола ажратиб олингандан сўнг прессланади ва той шаклига келтирилади. Бу жараёнда тойни ўраш учун ўров материаллари ва сим-лента ишлатилади. 2013 йилда 98.9 тонна сим-лента сарфланган бўлиб бу ўтган йилга нисбатан 5,3 тоннага ёки 105,7%га кўп демакдир. Ўров материаллари сарфи эса 2013 йилда 42467 комплектни ташкил қилган ва ўтган йилга нисбатан 2285 комплектга ортган. Албатта бу ҳолатни ишлаб чиқарилган тола хажмини ўтган йилга нисбатан кўпайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолияти натижалари кўп жиҳатдан хом ашёдан толанинг чиқиш миқдорига боғлиқ. Бу кўрсаткич 2011 йилда 32.3 фоизга, 2012 йилда 33.9 фоизга ва 2013 йилда 30.2 фоизга тўғри келган.

“Норин тола” очик акциядорлик жамияти ва унга қарашли пахта қабул қилиш пунктларида 2013 йилда 421 киши ишлаган. Шундан 195 кишиси саноат ходимларига, 44 кишиси идора ходимларига ва 182 кишиси пахта қабул қилиш пункти ходимларига тўғри келган.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг барча технологик ускуналари ва станоклари электр-энергияси ҳисобига ҳаракатга келтирилади ва бу заводда катта миқдорда электр энергиясининг сарфланишига олиб келади. Корхонада 2011 йилда 7485 минг квт., 2012 йилда 7736 минг квт. ва 2013 йилда 8176 минг квт. электр энергияси сарфланган. Электр-энергияси сарфининг умумий хажми 2013 йилда ўтган йилга нисбатан 440 минг квт.га кўпайган.

**“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг
молиявий натижалари¹**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2013 йил		2014 йил	
		Даромадлар (Фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (Фойда)	Харажатлар (зарар)
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	0 10	23701053		23768362	
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннарни	0 20		21109490		20326310
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан ялпи фойдаси	0 30	2591563		3442052	
Давр харажатлари, жами, шу жумладан	0 40	0	1988548	0	2303653
Сотиш харажатлари	0 50		146978		96162
Маъмурий харажатлар	0 60		510871		682442
Бошқа операцион харажатлар	0 70		1330699		1525049
келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	0 80		0		0
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0 90	89325	0	0	
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) сатр 030-040+090	100	692340		1138399	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр 120+130+140+150+160),	110	34636		13315	
Дивидентлар шаклидаги даромадлар	120	0		0	
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	0		0	
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг)дан даромадлар	140	0		0	
Валюта курси фаркидан даромадлар	150	0		0	
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160	34636		13315	
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр180+190+200+210)	170		624562		974540
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	0	624562	0	974540
Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) фоизлари харажатлари	190	0	0	0	0
Валюта курси фаркидан зарарлар	200	0	0	0	0
Молиявий фаолиятнинг бошқа харажатлари	210	0	0	0	0
Умумҳўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр100+110-170)	220	102414		177174	
Фавқулодда фойда ва зарарлар	230	0	0	0	0
Даромад солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) (сатр220+/-230)	240	102414		177174	
Даромад (фойда) солиғи	250		45733		84998
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260		4535		7374
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр240-250-260)	270	52146		84802	

¹ Жадвал муаллиф томонидан “Норин тола” ОАЖнинг ҳисоботларидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

2.3. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омиллари ва уларни бошқаришга онд муаммолар

“Норин толаси” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларини таҳлил этар эканмиз, улардан интенсив фойдаланиш чораларини кўриш лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳар бир корхонада бўлгани каби “Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг доимий ва бош муаммоси эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги доирасида ўз фаолиятини тўғри ташкил эта олишидаги оғир меҳнатлардир.

Бу муаммони тўғри тушуниш учун, энг аввало, эҳтиёж нималигини, унинг турларини билиш зарурдир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон яшамоғи учун, энг аввало, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уй-рўзғор буюмлари, транспорт ҳамда иситиш ва ёритиш воситалари зарурдир. Бундан ташқари, инсон камол топмоғи учун ўқиб, билим олиши, касб ўрганиши, малака эгаллаши ва даволаниши, дам олиши, томошалар кўриши, турли хизматлардан фойдаланиши ва бошқа жуда кўп ҳаётий нарсаларга эҳтиёжманддир.

Маълумки, корхонада ишлаб чиқариш захираларининг ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган ролига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: чигитли пахта хом ашёси ва ўров-боғлов материаллари; ёрдамчи материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар, чиқиндилар (қайтарилган), ёқилғи, тара ва тара материаллари, эҳтиёт қисмлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган толанинг моддий асосини хом ашё ва асосий материаллардан иборат меҳнат предметлари ташкил этади. “Норин тола” очик акциядорлик жамиятида хом ашё ҳаражатларига икки омил таъсир кўрсатади, яъни пахта хом ашёсининг харид баҳосининг ўзгариши ва хом ашёни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнидаги йўқотишлар. Корхонада хом ашё ва материаллар салмоғи тола таннархининг қарийб 93% ини ташкил этади. Мазкур корхонада хом ашёнинг ҳаражат нормаси ҳеч қачон ўзгармайди. Корхонанинг асосий хом ашёси чигитли пахта ҳисобланади.

Ушбу акциядорлик жамиятида фойдаланиладиган ёрдамчи материаллар хом ашё ва асосий материалларга қўшимча равишда фойдаланилади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга маълум даражада истеъмол хусусиятларини беради, шунингдек, меҳнат воситаларини таъмирлашда ва ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштириш учун фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, материалларни асосий ва ёрдамчи материалларга бўлиш шартли характерга эга бўлиб бир тармоқда асосий ҳисобланган материаллар бошқа тармоқлар учун ёрдамчи материал бўлиши мумкин.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида сотиб олинган ярим фабрикатлар – қайта ишлашнинг маълум босқичини ўтган, лекин тайёр маҳсулот ҳолатига етмаган хом ашё ва материаллардир. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида улар ҳам асосий материаллар ролини бажаради ва уларнинг моддий асосини ташкил қилади. Ишлаб чиқаришдан қайтарилган чиқиндиларга асосан заводнинг иккиламчи маҳсулоти, яъни чигит, улюк ва линт киради.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлатиладиган ёқилғиларни асосан уч турга бўлиш мумкин: технологик ёқилғилар, двигатель ва хўжалик ёқилғилари. Технологик ёқилғилар технологик мақсадлар учун фойдаланилади. Двигатель ёқилғилари эса двигателни юргизиш учун ишлатилади. Хўжалик ёқилғилари иситиш учун фойдаланилади.

Тара ва тара материаллари (ўров материаллари, сим-ленталар ва бошқалар) тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, материаллар ва бошқа нарсаларни қадоклаш, транспортировка қилиш ва сақлаш учун фойдаланилади.

Эҳтиёт қисмлар – машина, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларини таъмирлаш учун ишлатилади.

“Норин толаси” очик акциядорлик жамияти катта ишлаб чиқариш захиралари мавжуд бўлган корхоналар қаторига киради. Чунки корхонанинг ишлаб чиқариш захираси

асосан пахта хом ашёсидан ташкил топган бўлиб, пахта хом ашёси асосан сентябрь ва октябрь ойларида пахта қабул қилиш пунктларига йиғилиб, йил давомида сақланади ва қайта ишланади.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда меҳнатга алоҳида эътибор берилади. Бунда меҳнат ресурслари томонидан бажарилган иш унумдорлигини юқори бўлиши таъминланиши керак. 2014 йилда мазкур корхонада 372 нафар ишчи ходимлар меҳнат фаолияти билан банд. Бу эса 2013 йилдаги ҳолатдан 3 кишига камайганлигини кўрсатади. Шундан 121 нафари саноат ходимлари бўлиб, улар бевосита ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадилар. Корхонада 33 нафар идора ходимлари ва 218 нафар пахта пунктлари ходимлари меҳнат қилишмоқда. Сўнгги уч йилда “Норин тола” очик акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган ишчи ва ходимлар сони динамикаси пасайиб бормоқда.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омили қаторида меҳнатга эътибор берилар экан, бугунги кунда меҳнаткашларнинг замонавий бошқарилиши асосида ишлаб чиқариш жараёнлари ташкил этилмоқда. Корхонада модернизация жараёнларига эътибор берилган.

2.3.1-жадвал

“Норин тола” ОАЖда ишчи кучи билан таъминланганлик ҳолати таҳлили

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўтган йилга нисбатан фарқ	
					Миқдорда	% да
Заводда ишловчилар:	киши	380	375	372	−3	99,2
-саноат ходимлари	киши	125	122	121	−1	99,2
-идора ходимлари	киши	34	34	33	−1	97,1
-пахта пунктлари ходимлари	киши	221	219	218	−1	99,5

Меҳнат тақсимооти оқибатида айрим гуруҳ кишилар товар ва хизматларнинг баъзи турларини ишлаб чиқаришга, етказиб беришга ихтисослашадилар, айрим гуруҳлари эса бошқа турдаги товарларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш бўйича ихтисослашадилар. Ҳар бир товар турини ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб, ўзига керакли бўлган бошқа товар ёки хизматларни сотиб олади. Натижада турли хил йўналишдаги ишлаб чиқарувчилар ёки хизмат кўрсатувчилар ўртасида иқтисодий алоқа – айирбошлаш, пул орқали олди-сотди содир бўлади.

“Норин толаси” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш хом ашёсидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлилини 2.3.2-жадвалдан кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада қайта ишланган пахта хом ашёси миқдори 2011 йилда 14251 тоннани ташкил этган. Бу миқдор 2012 йилда 13981 тоннани ва 2013 йилда 20200 тоннани ташкил этгани ҳолда жорий йилда ўтган йилга нисбатан 144,5% га кўпайган.

Қайта ишланган пахта хом ашёсининг маълум қисми 1-сортларга тўғри келган. 1-сорт пахта хом ашёсининг умумий миқдори 2014 йилда 6980 тоннани ташкил этди. Бу 2013 йилга нисбатан олганда 88,3%ни ташкил этди. 2013 йилда қайта ишланган пахта хом ашёсининг сезиларли қисми 5-сортга тўғри келган ва унинг умумий миқдори 5727 тоннага

тўғри келган. Бу 2012 йилга нисбатан олганда 239%га ошган. Аммо 2014 йилга келиб қайта ишланган пахта хом ашёсининг 5-сортга тўғри келган қисми бирдан камайди ва 1510 тоннани ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан олганда 26,4%ни ташкил этган.

2.3.2-жадвал

“Норин тола” ОАЖида ишлаб чиқариш хом ашёсидан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили¹

бирлиги: тонна

Йиллар	Қайта ишланган пахта хом ашёси	Шу жумладан				
		1-сорт	2-сорт	3-сорт	4-сорт	5-сорт
2011 йил	14251	7356	465	1322	2731	2377
2012 йил	13981	7302	433	1227	2623	2396
2013 йил	20200	7905	2438	2567	1563	5727
2014 йил	13450	6980	1820	1430	1710	1510
2014 йилни 2012 йилга нисбати, фоизда	66,6	88,3	74,6	55,7	109,4	26,4

Фикримизча, корхонада фақатгина сифатли хом ашёдан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга интилиш керак. Ёмон пахта хом ашёсидан сифатли тола олиб бўлмайди. Сифатсиз, яъни сорти паст бўлган пахта хом ашёсини қайта ишланадиги бўлинса, ортиқча ҳаражатлар қилиш керак бўлади. Чунки паст сортлардаги пахта хом ашёсининг намлиги ва ифлослик даражаси юқори бўлади. Паст сортли пахта хом ашёсини конденцион намликка келтириш ва тозалаш учун 1- ва 2-сортларга қараганда кўпроқ меҳнат сарф қилинади. Яна бир салбий томони борки, ёмон хом ашё тола ажратиш машиналаридаги 48 соат, яъни икки кун ишлашга мўлжалланган арраларнинг хизмат муддатини қисқартиради. Бу ҳам ўз-ўзидан ортиқча ҳаражатлар талаб қиладиган жараёндир.

Хулоса шуки, “Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда катта тажрибалар ортирилган. Бу корхонада меҳнат қиладиган кишиларнинг ижодий меҳнати билан вужудга келган миллий маҳсулотнинг кўпайиши, унинг тўғри тақсимланиши ва фойдаланилиши шу корхона жамоаси учун муҳим.

¹ Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган.

**“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида
айланма капитал маблағларининг таркиби**

№	Иқтисмодий қўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	2014 йил	Ўтган йилга нисбатан фарқ	
					Микдор ҳолатида	% да
1.	Ишлаб чиқариш захиралари	14537335	20406272	18339484	–2066788	89,9
2.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	–	–	–	–	–
3.	Тайёр маҳсулот	8573800	2659039	1994787	–664252	75,0
4.	Келгуси давр харажатлари	531372	528391	637221	+108830	120,6
5.	Дебиторлар	1915637	1526432	2273156	+746724	148,9
6.	Пул маблағлари	124039	361642	81077	–280565	22,4
Жами айланма маблағлар		23766546	25481776	23325725	–2156051	91,5

**«Норин тола» акциядорлик жамиятида асосий
фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили¹**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012	2013	Ўзгариши %
1	Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати	минг сўм	6204385	6135777	98,9
2	Асосий воситаларнинг Эскириш суммаси	минг сўм	1491582	1777487	119,2
3	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	минг сўм	4712803	4358290	92,4
4	Асосий воситаларнинг эскириш даражаси (2қ:1қ×100)	%	24	28,9	
5	Асосий воситаларнинг ишга яроқлилиқ даражаси (3қ:1қ×100)	%	76,0	71,1	

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2013 йилда биз таҳлил этаётган акциядорлик жамиятида асосий воситаларнинг эскириш даражаси 2.2.3-жадвалда келитирилганидек, 4,9 пунктга кўпайиб, 28,9 фоизни ташкил этди. ўз навбатида «Норин тола» акциядорлик жамиятида асосий воситаларнинг ишга яроқлилиқ даражаси 2013 йил ҳолатида 71,1 фоизни ташкил этган. Бу ҳолатда корхонанинг асосий воситаларидан фойдаланиб бориш мумкин деб ҳисобланади.

¹ Жадвал муаллиф томонидан корхона маълумотлари асосида тузилган.

**«Норин тола» акциядорлик жамияти моддий техника ресурсларидан
фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012	2013	2014	Ўзгариши
1	Асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати	минг сўм	6204385	6135777		98,8
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш хажми	минг сўм	13586784	16281694		119,8
3	Фонд қайтими (1к/2к)	кўп бўлиши коэф.	0,45	0,37		
4	Фонд сиғими (2к/1к)	коэф.	2,2	2,6		
5	Ишловчилар сони	киши	413	421		101,9
6	Бир ишловчига тўғри келувчи асосий воситалар (1к/5к)	минг сўм/киши	15022,7	14574,3		97,0
7	Корхонанинг ялпи фойдаси	минг сўм	2124429	2048267		96,4
8	Асосий фондлар рентабеллиги (7/1*100)	%	34,2	33,4		

Маълумки, корхонада асосий фондларни қайта тиклаш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида уларнинг ҳар ойдаги эскириш қиймати маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар

таннархига қўшиб борилади. Бу эскириш суммаси тўла қайта тиклашга белгиланган амортизация ажратмалари меъёрлари бўйича ҳисобланади.

Бироқ, «Норин тола» очик турдаги акциядорлик жамияти моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил этадиган бўлсак, корхонага янги технологияларни жорий этиш зарурлигини алоҳида қайд этиш лозим. 2.2.4-жадвал бўйича олганда асосий воситаларнинг йиллик ўртача қиймати 2013 йил ҳолатида 2012 йилга нисбатан олганда 98,8 фоизни ташкил этган. Шунга қарамай, 2012 йилда 13,5 млрд. сўмдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2-13 йилда 16,2 млрд. сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилган. Демак, бир йилдаёқ ўсиш суръати 119,8 фоизни ташкил этган. Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Норин тола» очик турдаги акциядорлик жамиятида фонд қайтими коэффиценти 2012 йилда 0,45 ни ташкил этган. 2013 йилда эса 0,37 ни ташкил этди. Корхонанинг фойд қайтими коэффиценти камайиб бормоқда. Демак, тегишли йиллардаги ҳолат солиштирилса 0,8 пунктга самарадорлик камайганлигини билдиради. Ўз навбатида мазкур корхонанинг фонд сиғими коэффиценти 2012 йилда 2,2 ни ташкил этган ва 2013 йилда ҳудди шу коэффицент 2,6 га тенг бўлди. Бу таҳлиллар шуни кўрсатадики, фонд сиғими бир йил мобайнида 0,4 пунктга ошган. Демак, бу кўрсаткич ҳам корхонада самарадорлик нисбатан пасайганлигини кўрсатмоқда.


Хулоса қилиб айтганда, «Норин пахта тола» акциядорлик жамияти моддий техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили амалга оширилганда шундай тўхтамга келиш мумкинки, корхонада янги технологик жараёнларни жорий этадиган замонавий технологияларни муайян даражада ташкиллаштириш лозим.

3 –боб: Корхоналарда ишлаб чиқариш омилларидан янада самарали фойдаланиш имкониятлари

3.1. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг муқобил ҳолатлари

«Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда замонавий бошқарув тизимини қўллаш мақсадга тўғридир. Маълумки ҳар қандай корхонада бўлгани каби «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ҳам ишлаб чиқариш омилларининг молиявий ҳолати айланма ва асосий капиталдан иборат бўлади. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришга йўналтирилганликни талаб этар экан, «Норин тола» очик акциядорлик жамияти ўзининг фаолиятини қандай бошлаган бўлса, охири бориб ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга томон ўз фаолиятини кучайтиради. Шунда корхона бошқарувини муқобил вариантда танланган соҳалар бўйича олиб бориш керак бўлади.

«Норин тола» очик акциядорлик жамиятида эътиборни энг аввало ишлаб чиқариш омиллари таркибидан иборат бўлган асосий ва айланма капиталнинг йиллардаги динамикасини ҳисобга олиб тўғри тақсимлаш лозим. Хусусан, асосий воситалар томон харажатларни ошириб бориш тенденцияси корхона мавқеида кўпроқ ижобий ҳолатни беради. Агар график шаклида ифодаладиган бўлсак, «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ҳозирги иқтисодий ҳолати қуйидаги чегаравий вазиятни ташкил этади.




3.1.1-чизма. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларининг мавжуд ҳолати

Бугунги кунда бу ҳолатдан чиқиш зарурияти юқори савияда корхона капиталларини тўғри тақсимлашни тақозо этади. Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишга интилиш туфайли 3.1.1-чизмадаги чегаравий ҳолатни англатувчи графикни кенгайтириш чора-тадбирларини қўллаш зарур бўлади. Маълумки, бу графикни таҳлил этадиган бўлсак, унда «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг энг чегаравий ҳолатлари акс эттирилган деб хулоса чиқариш мумкин. Бунда мавжуд асосий воситалар асосида белгиланган тарздаги истеъмолни кўриб турибмиз.

Биз таҳлил этаётган «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни ҳозирги даврга хос ривожланиш йўналишларини қўллашимиз лозим. Агар биз таҳлил этаётган «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омиллари таркибидаги асосий воситаларни таъмирлаш доирасидаги

харажатларни кўпайтириб, янги техника-технологияларни жорий этишга жалб этилса, график ҳолати ўзгаради.

Биз «Норин тола» очик акциядорлик жамиятидаги ишлаб чиқариш омилларидан шундай фойдаланиш имкониятларини топишимиз керакки, ҳозирги ишлаб чиқариш ҳажмидан кўпроқ ҳажмда ишлаб чиқариш ташкил этилган бўлсин. Бозор муносабатлари шароитида рақобат муҳити мавжуд бўлганлиги туфайли корхоналарнинг фаол ҳаракатини таъминлашга эришиш зарур бўлади. Шунинг учун ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни янада кенгайтиришга эришиш давр талабидир.




3.3.2.-чизма. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг муқобил вариантини танлаш

Юқоридаги фикрларимизни чизма шаклдаги ҳолатга келтирсак, 3.3.2-чизмадаги вазият пайдо бўлади. Бу чизмада келтирилган графикдан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни самарали йўлга қўйиш учун асосий воситаларни кенгайтириш истеъмолга бўлган харажатнинг вақтинчалик муддатларда қисқаришидан келиб чиқади. Айланма капитал ҳажмини вақтинча қисқартириб, унинг муайян қисмини асосий воситаларга ўтказиш ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга олиб келади.

Демак, бу ҳолат амалга оширилса, «Норин тола» очик акциядорлик жамияти нафақат истеъмолни балки хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, ишлаб чиқариш ва ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш соҳаларидаги имконият эгри чизиғидан иборат бўлган чегарасини ҳам кенгайтирган бўлади. Бошқача айтганда 3.3.1-чизма ҳолати 3.3.3-чизма ҳолатига ўтади.

3.3.3-чизмада келтирилган кенгайган чегаравий имконият «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришдаги салоҳиятини оширади. Бозор сегментининг кенгроқ қисмини эгаллашга олиб келади. Бозордаги рақобатда ўзининг иқтисодий фаолиятини мукаммаллаштиришга эришган бўлади. Энг муҳими ўсиш рўй берганлигидан иқтисодий барқарорлиги ортади. Корхонанинг ликвидлик даражаси ошади.

Демак, ҳозирги кунда «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, бу соҳадаги бошқарувчининг қандай хилда эканлигига боғлиқ. Инвестицияларни қўллаш ишлаб чиқариш омилларини замонавийлаштиришга ҳам олиб келади.



3.3.3.-чизма. «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг муқобил варианттини танлаш

Қайта таркиблаш жараёнида биз таҳлил этаётган «Норин тола» очик акциядорлик жамиятида бошқаришнинг ташкилий тизими қайта кўриб чиқилади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлимлари, цехлари бозордаги талаб мавжуд бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилади, керак бўлмаган бўлим ва ишлаб чиқариш шохобчалари тугатилади. Молиявий қарзлар ортиқча асбоб-ускуна, жиҳозлар ёки биноларни сотиш ҳисобига қопланади.

«Норин тола» очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан иборат бўлган асосий воситаларни тартибга солиш, ундан самарали фойдланиш ва фойда олишга интилишда қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, хорижий инвестиция лойиҳаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни интенсив усуллари қўллаш имкониятини беради. Бу ҳолат ўз навбатида асосий воситаларни эскиришига қарши кўрилган чора-тадбирлардан бўлиб, биз таҳлил этаётган машина-трактор парки миқёсида таъмирлаш ишларини олиб бориш фаоллашади.

Иккинчидан, «Норин тола» очик акциядорлик жамиятининг техник хизмат кўрсатувчи ходимларни иш фаолиятини назорат қилиш ва бунга тегишли чора-тадбирларни қўллаш зарур. Бу ўз навбатида мавжуд дастгоҳлардан рационал фойдаланиш имкониятини оширишда муҳим рол йўнайди.

Учинчидан, таъмирлаш цехларидаги технологик йўналишларни тўра ишга тушириш мақсадида тегишли чоралар ишлаб чиқиш керакки, бунда хорижий банк кредитларидан лизинг услубида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3.2. Корхона бошқарувида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш

Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнида содир бўлади. Ишлаб чиқариш жараёни эса бошқарувга муҳтожлик сезадик, фақат бошқарув орқалигина ишлаб чиқариш омиллардан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Ушбу бандда биз бир неча ёндашувларимиз асосида ўз фикримизни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтилиши, истеъмолчи учун зарур бўлган янги маҳсулотнинг ўзлаштирилиши, маҳсулот сифатининг оширилиши, мулкдорнинг ўзгариши ва шу кабилар ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий муносабатларда қатнашуви натижасида юзага келади ва уларни бошқарувини ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш талаб этилади. Ишлаб чиқариш ҳажмлари ва йўналишларининг ўзгариши билан янги ишлаб чиқариш ташкилотига зарурат туғилади, бошқарувнинг янги усуллари ва функциялари пайдо бўлади, иқтисодий иш ҳажмлари ўзгаради, бошқарув қарорларини қабул қилишга янги талаблар қўйилади.

Ишлаб чиқариш омилларини бошқаришдаги ўзгаришлар кўпинча янги цех, янги аниқ линиянинг очилиши ёки ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши натижасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини қайта қуриш билан боғлиқ бўлади.

Бунда ташкилий тузилма фақат бошқарув ташкилоти шаклидангина иборат бўлишини ҳисобга олиш лозим. Унинг мазмуни бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва бажариш жараёнларини; маълумотларнинг мазмуни, ҳажми, уларга ишлов бериш ва уларни узатиш муддатлари ва усуллари; бошқарув органларини замонавий техника билан жиҳозлаш, бошқарув аппарати ходимларининг ишини ташкил қилишни; раҳбар ходимлар ва мутахассис кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни ўз ичига олади.

Бинобарин, ишлаб чиқариш омилларини бошқаришга ягона тизим сифатида қаралиши, бу тизимни такомиллаштириш эса комплекс равишда, унинг барча элементлари билан узвий ва уйғун боғлиқликда амалга оширилиши лозим.

Тизим бир-бири билан ўзаро муносабат ва алоқада бўлиб, маълум бирлик, яхлитликни ҳосил қилувчи кўплаб элементлардир.

Масалан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги устувор тизимининг жорий қилиниши ахборот тизимида ўзгаришлар қилиш, иш ҳақи ҳисоб-китобида меҳнат сарфини, ишга муносабатни ўзгартиришни талаб қилиши мумкин. Агар ижтимоий-иқтисодий тизимдаги барча ўзаро боғлиқликлар мувофиқ равишда ҳисобга олинмаса, бошқарув органлари ишида номутаносибликлар вужудга келиб, кутилган ижобий натижалар ўрнига салбий натижалар олиниши мумкин.

Ишлаб чиқариш менежментига тизимли ёндашув кўпгина муаммоларни самарали ҳал қилиш имконини беради. Уни қўллаш мақсадларини аниқ шакллантириш, иш қўлами ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, бошқарувнинг барча функция, усуллари ва жараёнларини қўйилган мақсадларга эришишга бўйсундиришни таъминлайди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий тизими муҳим ўрин тутати, зотан у ишлаб чиқариш ва бошқарувда кечувчи барча ҳўжалик, молиявий, ташкилий жараёнларнинг бирлигини ифода этади.

Иқтисодий тизим бошқа барча тизимларнинг самарали фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, бошқа тизимлар ҳам, айниқса, янгиланиш шароитларида ижтимоий тизим иқтисодий тизимга таъсир кўрсатиши мумкин.

Ижтимоий тизим бугунги кунда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, зотан иқтисодиётда, жамиятда ижтимоий ўзгаришлар содир бўлмоқда, янги ҳамкорлик шакллари вужудга келмоқда. Умумлаштириш тизимни умумий кўринишда, шунингдек, ушбу тизим элементларининг ўзаро боғлиқликларини кўриш имконини беради.

Бироқ умумлаштириш фойдали эканлигига қарамай, унчалик аниқ бўлмайди. Бошқарув ташкилотини такомиллаштиришда маълум тизимлар (корхона, тармоқлар) ўртасидаги фарқларни эътиборга олиш зарур. Вазиятли ўзгарувчилар деб номланувчи бу жиддий фарқлар икки хил: ички ва ташқи бўлади.

Бу вазиятли ўзгарувчиларни биз бошқарув назариясида батафсил кўриб чиққанмиз. Ўшанда биз ички ўзгарувчилар маълум корхонани тавсифлайди, ташқи ўзгарувчилар эса корхонадан ташқаридаги муҳитнинг омиллари ҳисобланади, деб айтган эдик.

Барча кўп сонли вазиятли ўзгарувчилар ва бошқарув жараёнининг барча функциялари бир-бири билан ўзаро боғлиқ, уларни бир-биридан алоҳида кўриб чиқиб бўлмайди.

Ҳар қандай муҳим омилнинг ўзгариши, худди сойга ташланган тош каби, доиралар ҳосил қилади, яъни корхона фаолиятида акс этади.

Ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштиришга вазиятли ёндашув (ҳар қандай тизимга оид) корхона ишининг самарадорлигига жуда кўп ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатишини англатади. Шунинг учун такомиллаштириш усуллари вазиятга қараб белгиланади. Маълум вазиятда унга кўпроқ мос келадиган энг самарали усул ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқаришда бошқарувни лойиҳалаштириш усуллари кенг қўлланилади. Ишлаб чиқаришда бошқарувни такомиллаштириш бўйича ишлар бозор муносабатларига ўтилаётган бугунги кунда айниқса мунтазам олиб борилади.

1. Бунда бошқа ривожланган мамлакатлар ёки саноат тармоқларининг тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бу ишлаб чиқариш бошқарувини такомиллаштиришни асослашнинг тажриба усули деб аталади.

Тажриба усулининг қўлланиши бошқа корхоналардаги шундай вазифаларнинг ечимларини ўрганиш ва амалда юзага келган вазиятнинг таҳлили асосида ўз корхонасида ўзгаришлар қилишни англатади.

2. Ташкилий вазифаларнинг ечимини тайёрлаш ва асослашнинг бошқа бир усули эксперт усулидир. Бу усул ҳам ҳал қилинувчи вазифаларнинг моҳиятини яхши билувчи мутахассисларнинг тажрибасига асосланади. Турли экспертлардан аниқ хулосалар олиш учун сўровномалар тайёрланади ва уларга тажрибаларнинг ҳар хил вариантлари олдиндан ёзиб қўйилади. Турли экспертларнинг хулосалари қайта ишланади ва умумлаштирилган натижа олинади.

3. Алоҳида ташкилий вазифалар (ташкилий тузилмалар, ходимларнинг сонини белгилаш)ни ҳал қилиш амалиётида меъёр усули кенг қўлланади.

Ташкилий вазифаларнинг ечимларини асослаш учун хизмат қила оладиган қатор меъёрлар ишлаб чиқилган. Улар орасида бошқарув нормаси (раҳбарлар ва уларнинг қўл остидаги ходимлар сонининг нисбати); намунавий штат рўйхатлари, иш жойларини ташкил қилишнинг намунавий лойиҳалари ва бошқа нормалар бор.

4. Ташкилий ечимларни асослашда параметрик (омилга оид) усул муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳияти бошқарилувчи ўзаро боғлиқ объект ва бошқарувчи тизимни тавсифловчи ўзаро боғлиқ бўлган омилларни аниқлашдан иборат. Корхоналарнинг гуруҳлари бўйича ўтказилган махсус тадқиқотларнинг маълумотларига кўра объект параметрлари (омиллари) ва бошқарув субъектининг миқдорий нисбати ҳақидаги материалларга ишлов бериш натижасида боғлиқлик (функционал ёки корреляцион) шакли ва бу боғлиқликларнинг миқдорий ифодаси топилади.

Бунда, одатда, бошқарувчи тизимнинг ишига 2-3 омилнинг таъсирини кўрсатувчи параметрик (омилга оид) боғлиқликлар аниқланади.

5. Сўнгги йилларда бошқарувни лойиҳалаштириш мақсадлари учун математик моделлаштириш усуллари қўлланмоқда. Бошқарув ташкилоти соҳасида моделлаштириш усулини қўллаш энг яхши ечимларни ишлаб чиқариш жараёнида эмас, балки дастлабки ҳисоб-китоблар пайтида топиш имконини берадики, бу ишлаб чиқаришдаги кўпгина хато ва йўқотишларнинг олдини олади.

Моделлаштириш деганда тавсифланувчи реал мавжуд бўлган объект (намунавий ва нонамунавий тизимлар, муҳандислик қурилмалари)нинг асосий жиҳатларини математик рамзлар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар, графиклар ёки плакатлар кўринишида шартли белгилаш тушунилади. Моделлаштириш модели моделда эксперимент ўтказиш имконини беради. Ҳозирги кунда моделлаштириш усули, тизимли ёндашув воситаси сифатида, барча фаолият соҳаларида қўлланилади. Ижтимоий-иқтисодий тизимни моделлаштириш

алоҳида асос маълумотларни осонгина ўзгартириш, лойиҳа ёки бошқарув қарорининг турли вариантларини кўриб чиқиш ва унинг оқибатларини олдиндан кўриш имконини беради. Одатда, бошқарув ташкилоти модели бошқарув фаолиятининг қайсидир битта жиҳатини қамраб олади. Шунинг учун моделлаштириш бошқарув ташкилотини лойиҳалаштиришнинг хилма-хил усуллари ўрнини тўлиқ боса олмайди.

Моделлаштиришнинг маркетинг, математик, график, аралаш усуллари фарк қилинади. Моделлаштириш объеклари бошқарув органлари тузилмаси, бошқарув органлари функциялари, маълумотларни тўплаш, узатиш, қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш жараёнлари, ишлаб чиқариш тузилмаси, бошқарув усуллари, бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва уларнинг ижросини ташкил этиш жараёни, информацион алоқалар, бўлимлар ва мутахассисларнинг маъмурий-ҳукукий муносабатлари, одамларнинг ижтимоий-рухий муносабатлари ҳисобланади.

6. Таҳлилий ҳисоб-китоб усули ишлаб чиқариш менежменти ташкилотини такомиллаштириш мақсадлари учун энг мақбул усул ҳисобланади. У бошқарув бўғини ва тизимчасидан келиб чиқиб, юқорида санаб ўтилган усулларида уйғунликда фойдаланишни назарда тутди.

Таҳлилий ҳисоб-китоб усули эришилиши лозим бўлган мақсадларни аниқ белгилаш асосига қурилади. Ишлаб чиқариш менежменти ташкилоти қўйилган мақсадларга қисқа вақт ичида, кам сарф-ҳаражатлар билан эришиш учун қулай шарт-шароит яратиши лозим.

Ишлаб чиқариш менежментини лойиҳалаштириш жараёни ҳам ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишга олиб келувчи ҳолатдир. Ишлаб чиқариш омилларининг бирикиши ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади. Шу боис бу жараённи бошқариш зарур. Ишлаб чиқариш бошқарувини лойиҳалаштириш ва уни такомиллаштириш жараёни одатда қуйидаги босқичлардан ўтади:

1. Бошқарув объекти олдида жамоа ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларни белгиловчи мақсадни қўйиш. Масалан, корхонани хусусийлаштириш, янги ишлаб чиқариш технологиясига ўтиш, бошқарув усуллариини ўзгартириш. Шу билан бир вақтда бошқарувчи тизим олдида қўйилувчи ва умумий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган мақсадлар белгиланади.

2. Лойиҳалаштиришнинг кейинги босқичи ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, шу жумладан бошқарув объекти ва бошқарувчи тизимнинг таҳлили ҳисобланади. Хўжалик юритиш фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида ижобий тажриба ва ишлаб чиқариш захиралари, уларнинг бошқарувчи тизимга таъсири даражаси аниқланади.

Ишлаб чиқариш-хўжалик юритиш фаолияти ва мавжуд бошқарув тизимининг таҳлили олдиндан тузилган ва бошқарув объекти директори томонидан тасдиқланган тақвимий иш графигига кўра ўтказилиши лозим. Таҳлилни ўтказиш учун бу корхонанинг ходимларини жалб қилиш зарур. Корхона жамоаси бажариладиган ишларнинг режаси билан таништирилиши лозим.

Бу тамойилиал аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштириш, айти даврадаги аҳволнинг таҳлили, аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ходимларнинг иштирок этиши бу чора-тадбирларни амалга оширишни енгиллаштиради.

3. Мақсадларни белгилаш ва таҳлил ўтказишдан лойиҳалаштириш топшириғини тузишга ўтилади. Унинг мазмуни лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган асосий вазифалар билан белгиланади.

Топшириқда ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари: ташкилий тузилма, ахборот билан таъминлаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари ва функциялари белгиланади.

4. Сўнг ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштиришнинг танланган йўналишлари бўйича чуқур ташкилий-иқтисодий тадқиқотлар ўтказилади ва бошқарувни лойиҳаси ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштириш лойиҳаси

ўз ифодасини топадиган асосий ҳужжат «Тадқиқот натижалари ва белгиланган чоратadbирлар тўғрисида ҳисобот» ҳисобланади.

5. Ишлаб чиқариш менежментини такомиллаштириш лойиҳасининг якуний босқичи ихтисослашган ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва бу уларнинг юқори сифатини кафолатлайди.

3.3. Корхонани бошқариш ва уни такомиллаштиришнинг асосий мезонлари

Корхоналарда ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириб бориш мулкчилик шакли, фаолият натижаси ва юзага келган ташкилий тузилманинг қандайлигидан қатъий назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш корхоналарга, биринчи ўринда, бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, иккинчидан, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон яратади.

Бугунги кунда бошқарув тизимини мукамаллаштириш соҳасида қуйидаги тенденциялар юзага келмоқда: бошқарув фаолиятининг мақсадли тавсифини кучайтириш; бошқарувнинг мослашувчан тузилмаларини яратиш ва бошқарув аппаратининг фаолиятини яхшилаш, жумладан, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ҳисобига; ишлаб чиқаришни бошқаришда жамоалар ролининг ўсиши ва уларнинг юқори натижаларга эришишга йўналтирилиганлиги; меҳнат фаолияти ижтимоий шароитларининг яхшиланиши. Бу тенденцияларга асосан корхоналарнинг бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқланиб, уларга аввало сифат мезонлари асос қилиб олинган. Бу мезонлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Оптималлик – тузилма бўлинмалари ўртасида энг кам бошқарув бўғинларига эга бўлган ҳолда ўзаро алоқаларни рационал тарзда ўрнатишдир. Шу сабабли кўп бўғинлилиқни қисқартириш бошқарув тизимини такомиллаштириш олдига қўйилувчи асосий талаблардан бири ҳисобланади. Ортиқча иерархия поғонасини йўқотиш корхона фаолиятини яхшилашга олиб келади. Шу билан бирга бошқарув кўламлари соддалашиб, ишни юритиш қулайлашади.

Тезкорлик (оперативлик) – барча функционал бўлинмаларнинг, зарур ҳолларда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг, бошқарув қарорлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун ўзаро алоқалар аниқлик билан олиб борилишини англатади. Бозор муносабатлари шароитида тезкор ҳаракатларни амалга ошириш бозор рақобатидаги ҳолатларда устун келишни англатади. Бозор сегментининг кенгроқ ҳисмини эгаллашга имконият яратишда ҳам тезкор хатти-ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади. Бозор муҳити шароитида иккиланишга ўрин бўлмайди. Лекин бу дегани ўйламай, мулоҳаза юритмай ишлаш керак эканда, дегани эмас. Айнан бозор иқтисодиёти шароитида пухта ишлаб чиқилган режаларга асосланиш зарур.

Ишончлилиқ – ахборотларни ўз вақтида олиш ва бошқарув қарорларини бажарувчиларга ва бажариш жойларига ўз вақтида етказишни таъминлашни англатади. Ахборотларнинг ишончлилиги корхонанинг маркетинг бўлимларидаги фаоллиқни оширади. Бошқаришда маркетинг стратегияларига асосланиш яхши самара беради. Аксинча ҳолатларда корхонанинг иқтисодий фаолиятига зарар келтириб қўйиш мумкин. Ишончлилиқ ва тезкорлик жорий ва истиқболдаги бошқарув тизимининг самарадорлигида муҳим туртки ҳисобланади.

Тежамкорлик – бу, асосан бошқарув тизимида максимал самарага эришган ҳолда бошқарув аппарати ва унинг харажатларини камайтиришга, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришишдир. Тежамкорлик асосида корхона иқтисодиётини самарали ривожланишини эътироф этиш мумкин. Ҳар қандай корхонада яратилган маҳсулот муайян ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлади. Бизнинг ҳаётимизда моддий

неъматларни тежаб-тергаб ва улардан оқилона фойдаланиш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормокда.

Фикримизча, корхона жамоаси ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида барча учун бир хил шарт-шароит ёки муҳит мавжуд эмас. Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда ҳам ҳар бир корхонанинг ўзига хос ёндашуви бор. Шунинг учун турли корхоналарда бошқаришни ташкил этиш турлича вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур вазифа муайян шароит, ҳолат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда юзага келади ва ҳал қилинади. Бироқ бунда ҳам ўзгармас бир қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир ўзгартириш, яхшиланиш ва шакл ўзгартиришлар аввалдан ўйлаб чиқилиши ҳамда илмий жиҳатдан асослаб берилиши зарур. Масалан, ҳозирги пайтда корхоналарни бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш ва амалиётга киритиш ҳамда иш вақти йўқотилишининг олдини олиш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўмаклашувчи компьютер техникасидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Амалиётдан шу нарса маълумки, корхоналарни бошқаришнинг цехсиз тузилмаси юқори даражада самарали бўлиб, бошқарувни марказлаштиришни қисқартириш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги аҳамиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири – корхонанинг функционал хизматлари ва бўлимлари фаолиятини ортқча тузилмавий бўлинмаларни тугатиш, хизмат кўрсатувчи бўлимларни оптималлаштириш, бирламчи ҳисобга олиш ҳамда ҳисоб-китоб ва бошқа бошқарув амалларини соддалаштириш йўли орқали мувофиқлаштиришдир.

Бу ерда ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришнинг кўплаб функцияларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш имконини берувчи, бошқарувнинг янги техникасидан, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлган турли хил ҳисоб-китоб ва таҳлил воситаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришда техник воситалар, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш, жумладан, АБТ асосидаги фаолият, бошқарув тадқиқотлари ва лойиҳалари ўз-ўзидан ёки автоматик равишда керакли натижаларга олиб келмайди. Бу ерда кўп нарса инсонларнинг, айниқса, менежерларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Шу сабабли ижтимоий омилларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли кучайиши, айниқса, корхоналарга бошқаришнинг рационал шакллари танлашга кенг имкониятлар яратиб берилган ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эга. Мустақилликни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли ўсиши иқтисодий фикрлашнинг керакли томонга йўналтирилишига хизмат қилади ҳамда бошқаришни яхшилашни корхона раҳбаридан ташқари бутун жамоанинг вазифаси қилиб белгилайди.

Замонавий техника воситалари ва янги усуллардан ташқари корхоналарни бошқаришда ишлаб чиқариш жамоаларида зарур бўлган **ижтимоий-психологик муҳитни** шакллантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Амалиёт кўрсатадики, ижтимоий-психологик муҳит бошқарувнинг натижалари ва амалийлигини йўққа чиқариши ёки аксинча кучайтириши мумкин.

Психологик муҳит нодир ва қайтарилмас ҳолатдир. Иккита бир хил жамоа бўлмагани каби, бир-бирига мос келувчи психологик муҳитнинг ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас: жамоадаги ҳар бир шахс жамоани бойитади ва бир вақтда ўзи ҳам бойиб, унга нодирлик ва қайтарилмасликни бахш этади. Психологик муҳит орқали зарур бўлган ишлаб чиқариш руҳияти шаклланади ва бошқарувнинг мақсадли функциялари муваффақиятли амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, хўжалик механизмининг мазмуни жамият иқтисодий ҳаётининг шаклига боғлиқ бўлади. Бозор муносабатларининг ривожланиши хўжалик юритишнинг янги шакл ва усуллари шаклланиши билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни бошқаришни субъектлар ва органлар томонидан одамлар ва иқтисодий объектларга, ресурслардан иложи борича оқилона фойдаланиш ва энг кўп даромад олиш мақсадида, таъсир ўтказиш жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бунда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишга жиддий эътибор бериш керак.

Ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш имкониятларини қидиришнинг ўзи бошқарувни самарали ташкил этишга олиб келиши мумкин. Бошқарув тизими қуйидагилардан иборат бўлади: бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, бошқарувнинг оптимал ташкилий-структурасини яратиш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ахборот билан таъминлаш, ахборотга техник ишлов бериш воситалари, таҳлил, бошқарув қарорларини бажариш устидан назорат. Бошқарув режалаштириш, ташкиллаштириш, маркетинг, мувофиқлаштириш, меҳнат мотивацияси, назорат каби бир қатор функцияларни бажаради. Демокчимизки, ишлаб чиқариш омилларини ҳисобга олиб корхона бошқарувида меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш лозим.

Замонавий ишлаб чиқариш корхонаси мураккаб, динамик тизим бўлиб, унинг муваффақиятли фаолият юритишига корхонадаги ишчидан то раҳбаргача бўлган барча бўғинлар фаолиятини ҳисобга олувчи бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини яратиш орқали эришилади. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси бошқарилаётган объектларнинг функционал вазифаларига ва миқёсига мос келиши лозим.

Хулоса

Норин туманида жойлашган “Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни ташкил этиш ва уни бошқариш айнан биз юқорида қайд этган масалалар доирасида долзарб бўлиб, шу муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилиши лозим. Биз таҳлил қилаётган “Норин тола” очик акциядорлик жамияти мисолида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш улар асосида корхонанинг хўжалик юритишига нисбатан таъсирчанлигини ошириш имкони бор.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш ҳолати уни такомиллаштириш чораларини комплекс ишлаб чиқиш, истиқболли ташкилий-иқтисодий моделни ишлаб чиқиш заруратини белгилайди. Менежментни такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган тақдирда ҳаракатдаги бошқарув объектида энг аввало биринчи галда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар, «тор жойлар» (бошқарувнинг тезкорлигини ошириш, қарорларни мувофиқлаштириш, бошқарув бўйича кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни қисқартириш, ташкилий тузилма ва бошқарув усуллари такомиллаштириш ва ҳоказо) белгиланади.

“Норин тола” очик акциядорлик жамияти мавзунинг ўрганиш объекти сифатида танланган корхона бўлиб, мураккаб динамик ижтимоий-иқтисодий тизимни ташкил қилади. Корхонанинг динамиклиги ишлаб чиқариш ҳажмлари, кадрларнинг касбий ва малака даражасининг мунтазам ўсиб бориши, уларнинг тузилмаларидаги ўзгаришлар; ишлаб чиқаришнинг янги техникаси, технологияси ва ташкилотининг жорий қилиниши; ишлаб чиқариш муносабатларида рўй берувчи ўзгаришлар билан белгиланади.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг мураккаблиги унинг элементларининг хилма-хиллиги билан белгиланади.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятида мавжуд ривожланаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги эҳтиёжларни қондира оладиган ишлаб чиқариш, халқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, халқ хўжалигини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни амалга оширишда ўз улушини қўшиб боради. Ҳар қандай вазифа, шу жумладан бозор муносабатларига ўтиш вазифасининг ҳал қилиниши шу каби корхоналар фаолияти билан боғлиқдир.

Бу вазифалар асосида бошқарувнинг дастлабки иқтисодий-ташкилий модели яратилади. Аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун мавжуд ишлаб чиқариш менежментини ташкил этиш таҳлил қилинади ва унинг ривожланиш тенденциялари аниқланади. “Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш ва уни бошқарувини такомиллаштириш бир жиҳатдан бошқарувчи, иккинчи жиҳатдан бошқариловчи тизимларга боғлиқ.

“Норин тола” очик акциядорлик жамиятининг иқтисодий фаолиятини таҳлил этганимизда, мазкур корхонада ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда бир қатор муаммолар шакланганлигининг гувоҳи бўлди. Бу муаммолар қуйидагилардан иборат бўлди:

- корхонада капиталнинг чекланганлиги;
- меҳнат ресурсларининг малакасидаги қоқоқлик;
- техника технологиялардан фойдаланишдаги камчиликлар, яъни малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- ташаббускорликни қўллашдаги заифлик ҳолатлари, яъни тадбиркорона ёндашувларнинг кенг қўлланилмаслиги.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир деб ҳисоблаймиз:

- банк кредитларидан фойдаланиш;
- корхонага малакали мутахассисларни жалб этиш чораларини қўллаш;

– техника ва технологиялардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш учун техник ходимларни малакасини ошириб бориш;

– корхона жамоасида тадбиркорликка хос ёндашувларни шакллантириш учун қисқа муддатли ўқиш жараёнларини ташкил этиш.

Бундан ташқари “Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида қуйидаги асосий йўналишларга эътибор бериш лозим:

1. Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг элементларини ўрганиб бориш.
2. Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда бошқарув техникаси ва технологиясини самарали қўллаш.
3. Ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни кенгайтириш.
4. Бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш жараёнини такомиллаштириш.
5. Бошқарув ишининг шарт-шароитларини яхшилаш.
6. Бошқарув аппарати ходимларининг иш вақтидан фойдаланилишини тартибга солиш.
7. Бошқарув усулларини тартибга солиш.

Юқоридаги фикр мулоҳазаларимиз асосида ишлаб чиқилган ушбу таклифлар “Норин тола” очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишни янада самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Президент фармонлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. «Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳақида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Т.: 1991.
3. «Корхоналар тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Т.: 1991.
4. «Товар бозорида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Т.: 1998.
5. «Ер кодекси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Т.: 1991.
6. «Ўзбекистон аҳолисини иш билан таъминлаш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Т.: 1998 йил, 1-май.
7. «Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. –Т.: 2002.
8. «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо таъминотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2002 йил 13-ноябр.
9. «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлайдиган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил 26 август.
10. Хусусий корхона тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. 2003 йил 30 август.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2 июл 2007 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». -Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Янги уй қурмай эскисини бузманг. -Т.: Ўзбекистон, 1993 йил.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А.»Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби». -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 6-китоб. 1997.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. -Т.: Ўзбекистон, 7-китоб. 1999.
8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. // Халқ сўзи. 2001 йил 5-феврал.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. // Халқ сўзи. 2001 йил 17 феврал.
11. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. // Халқ сўзи. 2001 йил 18 феврал.
12. Каримов И.А. Биз учун халқимиз, Ватанимиз манфаатидан улуғ мақсад йўқ. // Халқ сўзи. 2001 йил 7 декабр.

13. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш-ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш-бош йўлимиз. // Халқ сўзи. 2002 йил 15 феврал.
14. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Халқ сўзи. 2002 йил 30 август.
15. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. // Халқ сўзи. 2003 йил 18 феврал.
16. Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. // Халқ сўзи. 2004 йил 10 феврал.
17. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
18. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари ҳаракат қилишимиз лозим. // Халқ сўзи. 2006 йил 11 феврал.
19. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Ватанпарвар. 15 фев. 2008.
20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
21. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.–Т.: Т. 19. Ўзбекистон, 2011.
22. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
23. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
24. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
25. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.
26. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. // Халқ сўзи. 17 январь, 2015.

III. Китоблар ва рисоалар

25. Абдурахмонов и др. Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
26. Борисов Ф. Экономическая теория. Учебник. -М.: Юрист, 2000.
27. Бекнозов Н. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: 2012 й.
28. Зайнутдинов Ш.Н. Ишлаб чиқариш менежменти. –Т.: 1; 2-китоб. ТДИУ, 2007.
29. Исаматов Б. Иқтисодиёт назарияси асослари Дарслик. 2008.
30. Казанцева А.К. Основы производственного менеджмента. –М.: Серия «В», 2012.
31. Козловский В.А. Производственный менеджмент. Учебник: -М.: 2006.
32. Макконнелл К., Брю С. Экономикс. -М.: Республика, 1992., Том 1; 2.
33. Матвеев В. Основы экономических знаний -Т.: 1996.
34. Мирзамахмудов Т., Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. -Наманган. 2013.
35. Новицкий Н.И. Организация производства на предприятиях: Уч.метод. пособие –М.: Финансы и статистика, 2006.
36. ПарпиевУ. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш -Т.: 1996.

37. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. -Т.: 1999.
38. Райзберг Б. Основы экономики и предпринимательство. -М.: 1995.
39. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. -Т.: Молия, 2002.
40. Фатхутдинов Р.А. Производственный менеджмент. -М.: 2006.
41. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М Иқтисодиёт назарияси (дарслик). -Т.: Мехнат, 1995.
42. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма., -Т.: Мехнат, 1997.
43. Қобилов Ш Иқтисодиёт назарияси (кўргазмали ўқув қўлланма). –Т.: 1997.
44. Ғуломов С., Шарифхўжаев М. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. -Т.: Ўқитувчи, 2000.

IV. Интернет манбалари

45. www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.
46. www.ceer.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
47. www.bearingpoint.uz - USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.
48. www.internetindicators.com - Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.
49. www.management.ru - Официальный сайт Российской компании «Консалтинговая группа МД».
50. www.iscti.ru
51. www.bank referatov.ru
52. www.webww.net.ru